



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерациясида расмий ташриф билан бўлиб турибди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Қозон шаҳрига келди.

Абдулла Тўқай номидаги халқаро аэропортда давлатимиз раҳбарини Россия Ҳукумати Раисининг ўринбосари —

саноат ва савдо вазири Денис Мантуров ва Татаристон Раиси Рустам Минниханов кутиб олди.

Россия Федерациясига расмий ташриф доирасида Ўзбекистон

Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозон шаҳридаги "Казань Экспо" марказида очилган Татаристон саноат салоҳияти кўргазмасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарига Россия Ҳукумати Раисининг ўринбосари — саноат ва савдо вазири Денис Мантуров ва Татаристон Раиси Рустам Минниханов ҳамроҳлик қилди.

4 октябрь кuni бу ерда учинчи Ўзбекистон — Россия ҳудудлараро ҳамкорлик форуми бўлиб ўтди. Президентимизга ушбу тадбир якунлари тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари Татаристоннинг етакчи корхоналари саноат маҳсулотлари ва технологиялари билан танишди.

Кўргазма доирасида Россия Ҳукумати Раисининг ўринбосари — саноат ва савдо вазири Денис Мантуров билан учрашув бўлиб ўтди. Навбатдаги Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари форумида эришилган келишувларни, энг аввало, саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Қозон Кремли" тарихий-меъморий ва бадиий музей-кўриқхонасида бўлди.

Давлатимиз раҳбарига Татаристон Раиси Рустам Минниханов ҳамроҳлик қилди.

Қозондаги Кремль ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. У Қозоннинг энг қадимги қисми бўлиб, шаҳарнинг кўп асрлик тарихини ўзида мужассам этган меъморий, тарихий ва археологик ёдгорликлардан иборат.

Бу ерда Ўзбекистон Президенти "Кул Шариф" масжидини кириб кўрди. Татаристон мусулмонлари диний бошқармаси раиси, муфтий Камил Самигуллин олий мартабали меҳмонга масжид тарихи ҳақида батафсил сўзлаб берди. Дуо ўқилди.

Масжид 1996-2005 йилларда Қозон хонлиги ҳудудида XVI асрнинг иккинчи

ярмига қадар мавжуд бўлган жума масжиди ўрнида бунёд этилган ва Имом Кул Шариф номи билан аталган.

Давлатимиз раҳбари Қозон ва Татаристон метрополити Кирилл ҳамроҳлигида Благовещенск соборини ҳам кўздан кечирди. Қозон Кремли ҳудудидаги обидаларнинг энг қадимгиси бўлган ушбу иншоот XVI асрда бунёд этилган. Псков меъморчилиқ анъаналарининг ёрқин намунасидир.

Шавкат Мирзиёев Россия Федерациясига расмий ташриф доирасида Татаристон Республикаси Раиси Рустам Минниханов билан учрашув ўтказди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари кейинги йилларда ўзаро ҳамкорликда юқори натижаларга эришилганини мамнуният билан қайд этди. Савдо ва инвестициялар ҳажми ошиб бормоқда. Тошкент вилоятида "Чирчик" кимё-индустриал технопарки муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Жиззах вилоятида технопарк қурилиши давом этмоқда.

Кимё тармоғи ва машинасозликда йирик кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Жиззах шаҳрида Қозон федерал университетининг филиали ишлатилмоқда.

Қозон шаҳрида ўтган учинчи Ўзбекистон — Россия ҳудудлараро ҳамкорлик форумининг якунлари, жумладан, Ўзбекистон ҳудудларида Россиянинг "Алабуга" ва "Мастер" технопарклари билан янги саноат паркларини ташкил этиш бўйича эришилган келишувлар қайд этилди.

Металларга ишлов бериш, ахборот-коммуникация, уй-жой коммунал соҳаларида истиқболли кооперация лойиҳаларини амалга ошириш, таълим, туризм ва ёшларга оид сиёсатда ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида муҳим йўналишлар бўйича амалий шериклик лойиҳаларини қўшма "йўл харита"лари асосида илгари суришга келишиб олинди.

Расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозондан Москвага келди.

Россия пойтахтининг "Внуково-2" аэропортида давлатимиз раҳбарини Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари — саноат ва савдо вазири Денис Мантуров ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига Ўзбекистон ва Россия давлат байроқлари кўтарилди, faxрий қоровул саф тортди. Тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Ташриф дастурига мувофиқ, 6 октябрь кuni икки мамлакат етакчилари тор ва кенгайтирилган таркибда музокара ўтказадилар. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинади.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий, маданий-гуманитар ва бошқа устувор йўналишларда ҳар томонлама ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболларини кўриб чиқиш режалаштирилган. Минтақавий ва халқаро кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилади.

Ўзбекистон Президенти Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Мишустин билан ҳам музокара ўтказди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ТОЖИКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН
ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

5 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон етакчисини таваллуд кuni билан дилдан қутлаб, унга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, биродар тожик халқига эса тинчлик-осойишталик ва равақ тилади.

Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларида бугунги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига эришилишида Эмомали Раҳмоннинг ҳиссаси алоҳида қайд этилди.

Фаол мулоқот ва алмашинувлар ривожланиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда. Савдо,

инвестициялар, саноат, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа устувор соҳаларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди. Душанбе шаҳрида 14-15 сентябрь кунлари бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бешинчи Маслаҳат учрашуви ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси юбилей саммитининг самаралари якунлари юксак баҳоланди.

ЎЗА



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЖАМИЯТ

АЁЛГА ЧИНАКАМ ҚУВОНЧ УЛАШАДИ

Давлатимиз хотин-қизлар ҳуқуқларини химоя қилиш ва гендер тенглик борасидаги халқаро талабларни тўлиқ бажаришга интилиб келаётир. Ўзбекистонда Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш, Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари, Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисидаги конвенциялар ратификация қилинган.

Давоми 4-бетда

ЎЗБЕКИСТОН
СТРАТЕГИЯСИ | 2030ХАВФСИЗЛИК ВА
БАРҚАРОРЛИКНИ
КАФОЛАТЛИ ТАЪМИНЛАШ

Халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистонни, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш халқимизнинг олий мақсадидир. Сўнгги йилларда бу йўналишдаги эзгу ниятларимизни рўёбга чиқариш йўлида муҳим ислохотлар кечмоқда. Бу жараёнда тинчликни мустаҳкамлашга энг муҳим вазифа сифатида устувор аҳамият қаратилаётир.

Ҳар қандай давлат мустақиллигини, халқнинг эрки ва тинчлигини миллий армияси ҳимоя қилади. Мустақиллигини, тинчлигини асрай олган давлатгина барқарор ривожланади, тинчлик, хотиржамлик, осойишталик қарор топган мамлакат эса гуллаб-яшнади. Шу боис, жамиятимиздаги ислохотлар жараёнида мудоффа саноатини модернизация қилиш, миллий армиямизни замонавий талаблар асосида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада илҳам ва тезкор, кучли ҳарбий салоҳиятга эга замонавий армия барпо этилди. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг янги, муносиб авлоди шаклланди. "Халқ ва армия бир тану бир жон" деган эзгу ғоя эса ҳарбий-ватанпарварлик соҳасидаги муҳим ўзгаришларга туртки бўлмоқда.

Давоми 3-бетда

ИҚТИСОДИЙ
ЎСИШ МЕЗОНИ

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида иқтисодий ўсиш барқарорлигини янада ошириш орқали аҳоли ҳаёти ҳамда турмуш фаровонлигининг юқори даражасини таъминлашга қаратилган мақсад ва вазифалар белгиланган. Улар мамлакатимизда муносиб таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини яратишдек кенг қамровли ислохотларнинг узвий қисми сифатида иқтисодиётнинг ҳар томонлама (инклизив) ўсишини таъминлаш ва шу орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олишга хизмат қилади. Айнан ушбу саъй-ҳаракатлар давлатимиз обрўси ва куч-қудратини ошириб, янада юқори поғонага чиқишга ундайди.

Бозор муносабатлари ва
кейинги натижалар

Ўзбекистонда бозор муносабатларини кенг ривожлантириш ва иқтисодий ўсишини таъминлаш учун мустақам пойдевор мавжуд. Унинг асосини ақл-заковати ҳеч қимниқидан



кам бўлмаган меҳнаткаш халқимиз, уddaбурон тадбиркорларимиз, бепоён далаларимиз ва ер ости бойликлари миз ташкил этади. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг даромади юқори давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишига имкон беради.

Давоми 3-бетда



ПРЕЗИДЕНТ ТОПШИРИҒИ АМАЛДА

ҚИЗИЛТОҒДА ОТГАН ТОНГ

шаҳарча аҳолисига хурсандчилик ва масрурлик бахш этмоқда

Тошкент вилоятида Қизилтоғ деган шаҳарча бор. Аҳоли тилида "Красногорск" деб ўрнашиб қолган. Айни кунларда Қизилтоғда отаётган ҳар бир тонг ҳудуд аҳолиси қалбига ажиб кайфият, шукроналик ҳиссини, мезон шамоллари эса юракларга ҳузурбахш туйғуларни армуғон этаётгандай.

Нега дейсизми? Ахир айнан шу ҳудудда ўтган ҳафтада бир эмас, 10 га яқин бино ва янги муассасалар тўлиқ таъмирланиб, замонавий қиёфада, барча қулайликларга эга ҳолда фойдаланишга топширилди.

Давоми 2-бетда





Ўзбекистон элчиси Ботиржон Асадов: МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР СЎНГГИ ЎН ЙИЛЛИКЛАРДАГИ ЭНГ САМАРАЛИСИ ҲИСОБЛАНАДИ

Олий даражадаги Ўзбекистон — Россия саммити арафасида “РИА Новости” ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидаги Фавқуллод ва мухтор элчиси Ботиржон Асадов билан икки мамлакат муносабатларига бағишланган интервью эълон қилинди.



Унда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик муносабатларининг ҳолати ва истиқболлари ҳақида сўз боради.

Ўзбекистон элчиси икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳозирги босқичда сўнги ўн йилликлардаги энг самаралиси ҳисобланишини таъкидлаган. “Улар икки томонлама муносабатларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, бойлиги, шиддати ва энг муҳими, сифати билан ажралиб туради, — дейди дипломат. — Россия, шунингдек, Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларидан биридир. Ўтган йил якунларига қўра, товар айирбошлаш ҳажми тўққиз миллиард доллардан ошди ва жадал ўсиб бормоқда”.

Интервьюда Россия Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи инвесторларидан бири ҳисобланиши қайд этилган.

“Сўнги уч йилда Ўзбекистонда Россия капиталли ишторикдаги корхоналар сони икки баробар кўпайди. Бугунги кунда улар сони уч мингга яқин. Тоғ-металлургия, энергетика, кимё, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик ва электротехника соҳаларида саноат кооперацияси лойиҳалари фаол амалга оширилмоқда”, деган мамлакатимиз дипломатик миссияси раҳбари.

Суҳбат давомида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик динамикаси кейинги йилларда

янги сифат босқичига кўтарилгани алоҳида урғуланган.

Ўзбекистон расмий вакили мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар маданият, санъат, театр, кинематография ва маданий-гуманитар соҳанинг бошқа йўналишларида ҳам кенгаётганини билдирган. Элчи ўтган йил давомида Тошкент ва Москва шаҳарларида маданият бўйича қўйи қўмита мажлислари, шунингдек, музей ходимларининг иккита конференцияси бўлиб ўтганини маълум қилган. “Ўтган йили Москва ва Санкт-Петербургда Ўзбекистон маданияти кунлари ва Ўзбек кинеси кунлари муваффақиятли ўтказилди”, дейилади интервьюда.

“Бундан ташқари, россияликларнинг саёҳат учун Ўзбекистонга бориши кескин ошди. 2023 йилнинг дастлабки олти ойида Ўзбекистонга борган россиялик сайёҳлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 баробар ошди, 345 минг кишини ташкил қилди. 2022 йил бу кўрсаткич 185,6 минг саёҳатчини ташкил қилган эди”, дея қайд этилган “РИА Новости” томонидан тарқатилган интервьюда.

“Дунё” АА
Москва



ДИЛ ИЗҲОРИ

РУҲЛАНТИРАДИГАН ОМИЛ

У менга куч беради, янгиликларга ундайди

Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Жиззах шаҳридаги 3-мактабда математика фани ўқитувчиси

Хурсандлигимнинг чек-чегараси йўқ. Шундай кунларда беихтиёр ўтмишингиз, бутун фаолиятингиз кўз ўнгингиздан кино тасмасидай ўтаркан. 1990 йили ҳозирги Жиззах давлат университетини тамомлаб, Жиззах шаҳридаги 3-мактабда иш бошлаганман. Оз эмас, кўп эмас, 33 йилдан буён шу мактабда математика фанидан дарс бераман. Ушбу йилларда ўқитувчига бугунгидек ҳурмат, эътибор кўрсатилмаган, десам муболаға бўлмайди.

Ўқиш бошланиши билан пахта теримида чикардик, ҳатто декабрь ойида ҳам ёмғир-қор кечиб пахта терардик. Таълим сифати, ўқитувчилар ва ўқувчилар соғлиғи ҳеч қимми қизиқтирмади. Муҳими пахта режасини бажариш эди. Алам қиладиган жиҳати, далада пахта йўқ, аммо режа бор эди. Режани бажариш учун эса пахта сотиб олиш керак. Бугун бу ишлар худди эртадек туюлса-да, ўқувчи, талаба, ўқитувчи, бюджет ташкилотлари ходимлари, умуман, халқимиз пахта қўлигидан озод қилингани инқилобга тенг ислохот бўлди. Собиқ шўро-лар тузумидан кейин ҳам мустақилликнинг 25 йиллигига ҳамда отган пахта мавсумининг машаққати барҳам эгди. Кекса ўқитувчи сифатида айтаман, бу иш осон бўлгани йўқ.

Бугун таълимга давлат сиёсати даража-сида эътибор қаратилаётгани, ўқитувчилар меҳнати муносиб қадрланаётгани, касбияга алоқаси йўқ жамоат ишлари, ортқича қоғоз-бозилқлардан озод этилгани ўз самарасини бермоқда. Муаллимларни ўз устиди ишлаш, сидқидилдан, фидойилик билан меҳнат қилишга ундамоқда. Давлатимиз раҳбари қандай қийин бўлмасин, ўқитувчиларнинг ойлигини минг долларга чиқариш ҳақида бир неча бор ваъда берди. Барча педагогнинг ойлигини бирдан шунча миқдорга кўтариш аини пайтда қийин. Энг муҳими, бу борада кенг имкониятлар эшиги очилди. Бундан фойдаланиб, ҳатто минг доллардан ортқч ойлик олаётган, касбияга фидойи ўқитувчилар сафи осяпти. Тўғриси, ўзимнинг ҳам ойлигим қарийб минг долларга яқинлашди, аммо мактабимизда минг доллардан ортқч маош олаётган ҳам-касбаримиз ҳам бор. Шундай ойлик олаётган муаллимларни қўриб, бошқа ўқитувчилар ўз устиди ишлашга, шундай натижаларга эриш-ишга ҳаракат қилаяпти.

Ойликдан ҳам кўп руҳлантирадиган омил бор. Бу — шоғирдларнинг ютуғини қўриш. Шунча йил минглаб йигит-қизларга таълим-тарбия бердим. Улар орасида турли касб эгалари бор. Ўнлаб шоғирдларим математика-

дан фан олимпиадаларининг шаҳар, вилоят, республика босқичига қўлиб қўлини қўлга киритган. Ўқитувчилик касбини танлаганимдан, шунча шоғирдим борлигидан фахрланаман. Байрамларда эслаб табрикланса ёки кўчада қўриб, устоз деб ҳурмат кўрсатса, ўзимда йўқ хурсанд бўламан.

29 сентябрь кўни кечқурун, энг аввало, шоғирдларим, кейин касбдошларим, яқинларим бирин-кетин кўнгирак қилиб табриклади. Уларга эътибори учун миннатдорлик билдирилган-у, қандай ўнвон, орден ёки медал билан тақдирланганимни билмайман.

— Ойиҳон, табриклайман! “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” фахрий ўнвонини олибсиз, — деди ўғлим ва телефондан давлатимиз раҳбарининг “Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ҳодимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони-ни кўрсатди.

Тақдирланганлар рўйхатида иккинчи бўлиб исм-фамилиям турганини қўриб, беихтиёр кўзимга қувонч ёши қўйилди. Бирдан фарзандларим, невараларим, келиним бири қўйиб, бири қучоқлаб табриклади. Эртаси мактабда жамоадошларим, шоғирдларим катта тантана қилиб, гуллар билан қўтиб олди. Шу кўни вилоятимиз ҳокими Президентимиз номидан табриклаб, юксак мукофотни топширди.

Қайси ривожланган мамлакатни кўрсангиз, у ерда, албатта, илм-фанга эътибор, ўқитувчиларга юксак эҳтиром кўрсатилаётганига, юқори маош билан таъминланганига ғувоҳ бўласиз. Хурсанд қиладигани, Ўзбекистон ҳам шу йўлдан кетмоқда. Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришдек улғувор мақсадни олдимизга қўйганмиз. Ишончим комил, ушбу улғув мақсад йўлидаги ишлар, албатта, ўз самарасини беради. Янги Ўзбекистонда барпо этилган Учинчи Ренессанс пойдевори бутун дунё тараққиёти, ҳамжиҳатлиги ва осяишталлигига катта туртки бўлади.



ПРЕЗИДЕНТ ТОПШИРИҒИ АМАЛДА

ҚИЗИЛТОҒДА ОТГАН ТОНГ ШАҲАРЧА АҲОЛИСИГА ХУРСАНДЧИЛИК ВА МАСРУРЛИК БАХШ ЭТМОҚДА

**Отабек ИСРОИЛОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси**



2022-2023 йилларда ушбу хайрли ишлар учун 267 миллиард 512 миллион сўм маблағ ажратилди ва жорий йилнинг ўтган даврида 48 миллиард 200 миллион сўмлик қурилиш ва янгиланиш ишлари олиб борилди. Ҳозирги кунда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари жадал бормоқда. 28 километрик ички йўллар таъмирланмоқда, 1 та кўприк қурилмоқда, 10 километр сув қувури тортилиб, 7 та ижтимоий соҳа бинолари капитал таъмирдан чиқарилмоқда. Қизилтоғ аҳли мана шундай ўзгаришлар шукҳуи билан яшай бошлади.

Бошланиши 1-бетда

Янгиланишга муштоқ шаҳарча

Тошкентдан 66 километр жану-би-ғарбда, Чотқол тоғининг жануби-ғарбий қисмида, денгиз сатҳидан 600 метр баландликда жойлашган Қизилтоғ шаҳарчаси дастлаб 1955 йилда Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани негизда шаҳар типидagi посёлка сифатида ташкил этилган.

Юртимиз мустақилликка эришгунга қадар у нафақат Ўзбекистонда, ҳатто собиқ иттифоқнинг узоқ-яқин ўлкаларида ҳам таниқли шаҳарча эди. Бугунги кунда Паркент тумани маъмурий таркибида бўлган ва номи Қизилтоғ деб ўзгарган бу шаҳарчада йигирма мингга яқин аҳоли яшайди.

Очиги, коммунал соҳадаги муаммолар қизилтоғликларнинг тинқасини қуриётган. Иситиш тизимидаги носозликлар, электр энергияси таъминотидаги сурункали ўзилишлар, тоза ичимлик сувдаги вақтга қўра етказиладиган “режали тақсимот” ва ишчиласи...

Ўттиз йиллаб ўзгаришга интиқ, янгиланишга муштоқ бўлган шаҳарча бугун янгича қиёфада қизилтоғликларга қучоқ очиб турибди. Демак, булар экан, бажариш мумкин экан!

Шаҳарсозлик инфратузилмаси деярли издан чиққан Қизилтоғда ҳаётни яна ўзанига қайтариш, албатта, ўз-ўзидан бўлмади. Бугунги янги Қизилтоғ, шоир айтмоқчи, ойдан тушган эмас, қўқдан тушган эмас.

Иил давомида шаҳарча инфратузилмасини янада яхшилаш, тубдан янгиллаш бўйича мисли қўрилмаган ишлар амалга оширилди. Қурилиш ва бунёдкорлик, ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш ишлари кенг қучоқ ёйди, бугун ҳам бу ишлар давом этмоқда.

2022-2023 йилларда ушбу хайрли ишлар учун 267 миллиард 512 миллион сўм маблағ ажратилди ва жорий йилнинг ўтган даврида 48 миллиард 200 миллион сўмлик қурилиш ва янгиланиш ишлари олиб борилди. Ҳозирги кунда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари жадал бормоқда. 28 километрик ички йўллар таъмирланмоқда, 1 та кўприк қурилмоқда, 10 километр сув қувури тортилиб, 7 та ижтимоий соҳа бинолари капитал таъмирдан чиқарилмоқда. Қизилтоғ аҳли мана шундай ўзгаришлар шукҳуи билан яшай бошлади.

Кўримсиз, қаровсиз, ташландиқ бино эди

Қизилтоғ шаҳарчасининг Файзобод маҳалласидаги “Чотқол” маданият саройи анчадан бери қаровсиз,



кўримсиз бинога айланиб қолган эди. Ўтган асрнинг эллингини йиллари ўрталарида қурилган бу маскан қарийб етмиш йил мобайнида бирор марта тўлиқ таъмирланмаган. Бу ер маданий тадбирлар ўтказиш у ёқда турсин, киргани киши хавфсизлигини ташландиқ масканга айланмаётган. Аммо гавҳар умрбод қум остида қолмайди.

Яқиндагина “Чотқол” маданият саройи Олмалик кон-металлургия комбинатининг ҳомиёлик маблағлари ҳисобидан замонавий кўринишда таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда жорий йилнинг апрель ойида мукамал таъмирлаш ишлари бошланган бўлса, қисқа муддатда ушбу бинода барча шароит яратишга эришилди. Таъмирлаш жараёнида тарихий-маданий мерос объектининг асл қиёфаси сақлаб қолингани ҳам эътиборга молик.

Маданият саройининг очилиш маросимида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, маданият вазири Озодбек Назарбеков, Олмалик КМК бошқаруви раиси Абдулла Хурсанов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, туман фаоллари ва бошқалар иштирок этди.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида “Чотқол” маданият саройи ҳовлисига 12 метрик фаввора ўрнатилди. Объектнинг том қисмидаги эски шиферлар профнастилга алмаштирилди. Фасад қисми ва хоналар сувоқдан чиқарилиб, пардоз ишлари амалга оширилди. Эски турдаги деразалар ўрнига пластик ромли ойналар ўрнатилиб, иситиш тизими ҳам буткул янгиланди. Бинонинг тўнги ёритиш тизими энергетикажамкор чироқлар билан жиҳозланди.



Маданият саройида 1 та катта томоша зали бўлиб, 336 ўринга мўлжалланган. Ўн мингдан зиёд бадий ва бошқа йўналишдаги китобларни ўзида жамлаган замонавий кутубхона мавжуд. Бадий тўғараклар мусиқа асбоблари, мусиқий марказ ҳамда кўчма саҳналар билан таъминланди. Тўғаракларда 200 га яқин ёш доимий иштирок этиб келади. Иккинчи қават ҳам замонавий усулда безатилди.

бугун яна маданият саройи, маънавият маскани бўлиб паркентликларга қучоқ очаяпти. Айниқса, Қизилтоғ оқшоми одамларнинг маданият саройи ҳовлисидаги ҳордиқ чиқариши, кечки сайрлари, болаларнинг қулгиси билан янада фойзли.

Маданият саройида 1 та катта томоша зали бўлиб, 336 ўринга мўлжалланган. Ўн мингдан зиёд бадий ва бошқа йўналишдаги китобларни ўзида жамлаган замонавий кутубхона мавжуд. Бадий тўғараклар мусиқа асбоблари, мусиқий марказ ҳамда кўчма саҳналар билан таъминланди. Тўғаракларда 200 га яқин ёш доимий иштирок этиб келади. Иккинчи қават ҳам замонавий усулда безатилди.

“Ёруғ кунларга талпиниб яшадиқ, ишладиқ”

— Очиги, иссиқ сув, совуқ сув деган тушунча эсимиздан чиқиб кетганди. — дейди Қизилтоғ шаҳарчаси шифохона ҳамшираси Сайёра Бегматова. — Бир тиббиёт ходими учун ҳам оддий шароитлар мавжуд эмаслиги, албатта, дилимизни ўқсатарди. Лекин ёруғ кунларга умид қилиб яшадиқ, ишладиқ. Мана, ҳозир ҳамма шароит муҳайё. Энди яйраб-янаб ишлаш керак, ҳолос.

Қизилтоғ шифохонаси ҳам белгиланган дастур доирасида таъмирланди. Айниқса, ўттиз ўринли шифохона қўшимча шатлар ажратилиб, зарур тиббиёт жиҳозлари етказилгани қутилган иш бўлди. Аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш учун тўну кун фаолият олиб борадиган малакали 5 нафар мутахассисдан иборат шифокорлик пост йўлга қўйилгани ҳам шифохона фаолиятидаги ўзгаришлардан биридир.

— Шаҳарчада аҳоли саломатлигини сақлаш ва тиббиёт тизимини янада яхшилаш учун қарийб 1 миллиард сўм миқдорда маблағ йўналтирилди, — дейди Паркент тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори

Шу билан бирга, тез тиббий ёрдам хизматини яхшилаш мақсадида “Тез ёрдам” машинаси харид қилиб, аҳолига хизмат кўрсатиш учун ҳозирланди.

Қизилтоғдаги бир-бирини тақрорламас, ўзаро уйғун қурилиш ва ўзгаришлар бугун аҳоли кўнглини қураётгани шубҳасиз. Хусусан, 7 та ижтимоий соҳа объекти, бўлганда, 56-умумий ўрта таълим мактаби ҳам тўлиқ реконструкция қилинди.

Маърифатпарвар жаҳид бобо-ларимизнинг “Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия тўғайли эришилади”, деган даъвати таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош ғоясига айланган. Шаҳарчадаги 55-мактабнинг канализация тизими қайта таъмирланиб, электрон доскалар билан жиҳозлангани, 56-мактаб тўлиқ реконструкция қилингани, 57-мактаб ва маҳалла ёшлари учун янги футбол майдони фойдаланишга топширилгани фикримиз тасдиғидир.

Мамлакатимиз раҳбари шу йил 2 август кўни Тошкент вилоятига ташрифи мобайнида Юқори Чирчиқ туманида барпо этилаётган футбол бўйича миллий терма жамоалар марказини бориб кўрган эди. Юқори Чирчиқ туманида ёш футболчилар билан мулоқот чоғида “Ўзбекистонда футбол — энг сеvimли спорт тури. Ҳар ўн та одамдан тўққизтаси унинг муҳлиси деса бўлади. Бу оммавийликдан фойдаланиб, футболни тубдан ривожлантириш керак. Масалан, юртимизда 10 мингта мактаб бор, 208 та туман-шаҳар бор. Ҳўш, мактаб, маҳалла, жамоаларда футбол қандай бўлади? Иккинчидан, футболга меҳр қўйган болалар ўз йўлини топиши учун нима қилишимиз керак? Учунчидан, ёшлар футболдан кетгандан кейин нима билан шуғулланишди, уларга қўшимча касб-хўналар беришни ҳам ўйлаш зарур”, дея таъкидлаганди.

Ўзбекистон Футбол ассоциациясига қарашли стадион учун ётоқхона биноси ҳам қурилди. Мазкур мажмуаларда ёшлар учун барча қўлайликлар яратилиб, шаҳарчадаги Ойидан маҳалласида 1 та воркаут ва стритбол, Саид ота маҳалласида эса битта универсал спорт майдони қурилади.

Шаҳарчадаги истироҳат боғи ҳам замонавий кўринишга келтирилди. Қўп қаватли уй-жойларнинг фасад, том қисмлари, йўлаклари ва 2 та болалар майдончаси барпо этилди. 14,2 километр йўлларда таъмирлаш ишлари, пидедалар йўлаклари қуриб битказилди. Оқова сув лотоклари ва бордюрлар ўрнатилди. Бундан ташқари, 10,2 километр ичимлик сув тармоғи тортилиб, сув иншооти ва насослари янгисига алмаштирилди. 200 дан ортқч эскирган симёғоч янгисига алмаштирилиб, тармоқлар янгиланди.

— Қизилтоғда янги тонг отди, дегим келади, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Тошкент вилояти бўлими раҳбари Сайёра Файзиева. — Бу кунларни қизилтоғликлар узоқ кутди, интиқиб кутди. “Саёр билан етар муродга” деганларидек, мард ва олижаноб, сабрли ва меҳнатсевар Қизилтоғ аҳли хурсандчилик ва шукроналикдан масрур яшапти. Бу иншоотлар, бу бинолар халқимизнинг яхши кунларида, тўй-томшаларида хизмат



Бобур Алиев. — Бу маблағлар ҳисобидан 2 та УТД ускунаси, 1 та рентген аппарати харид қилинди. Қолаверса, лаборатория бўлими биокимёвий ва гематологик таҳлиллар учун замонавий ускуналар, микроскоп ва бошқа асбоблар билан таъминланди. Бу тиббий ёрдам сифати ва тезлигига ижобий таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан Қизилтоғ шаҳарчасидаги бунёдкорлик ва янгиланиш ишлари келгуси 2024-2025 йилларда ҳам давом этирилади. Худдининг инфратузилма объектларини таъмирлаш учун яна 207 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ | 2030

ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ КАФОЛАТЛИ ТАЪМИНЛАШ

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси**

Бошланиши 1-бетда

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳам-да соҳа фахрийларини ихтимоий ҳимоя қилиш масаласига ҳам жиддий аҳамият берилмоқда. Фақат кейинги бир йилнинг ўзida 3 мингдан ор-тиқ ҳарбий уй-жой билан таъминланди, уларнинг салкам 2 минг фарзандига олий таълим муас-саларига ўқишга кириш учун имтиёзли тавсия-номалар берилди, 4 мингдан зиёд ҳарбийнинг турмуш ўртоғи касбга ўқитилиб, ишга жойлаш-тирилди, 1250 ҳарбий пенсионер бандлиги таъ-минланди.

Бундай эътибор ва имконият тўғрисида ҳар-бийлик обрў-эътиборли касбга, ёшлар оруз қила-диган соҳага айланди. Бугун миллий армиямизда хизмат қилиш ёшларимиз учун нафақат фахрли бурч, балки юксак шон-шарафга айланди. Бар-



Қонунда давлат чегарасини белгилаш, ўзгарти-риш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги асо-сий тушунчалар, давлат чегарасини қуруқликда,



Бошланиши 1-бетда

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам қатор масалалар ўз аксини топди. Хусусан, давлат чегарасини қўриқлаш тизимига замонавий технологиялар, коммуникация воситалари ва техник (муҳандислик) иншоотларини кенг жорий қилиш, давлат чегараси хавфсизлигини таъминлаш жараёнини сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда янада автоматлаштириш вазифалари белгилаб қўйилди.

ча ота-оналар фарзанди воёга етгач, Қуролли Кўчларимиз сафида хизмат қилишини истади. Чунки замонавий жанговар техник қуролларни муқаммал эгаллаган йигитларимиз миллатнинг, юртнинг ифтихори бўлаётганини ҳаммамиз кў-риб турибмиз.

Шу билан бирга, бугунги кунда жаҳонда, жум-ладан, минтақамизда, бевосита чегараларимиз яқинида турли таҳдид ва хатарлар тобора куч-айиб бормоқда. Дунёда руй бераётган гибрид характердаги қуролли тўқнашувлар таҳлили биздан кўшнларимизнинг жанговар ҳаракатлар жараёнида илгари амалда қўлланилмаган қурол-лардан фойдаланадиган кучларга қарши курашга олиш қўбилиятини оширишни тақозо этмоқда. Бундай шароитда, аввало, жанговар ҳаракат-ларнинг самарали шакл ва усулларини тадқиқ ва татбиқ этиш, Қуролли Кўчларнинг ягона авто-матлаштирилган бошқаруви тизимини яратиш ва ривожлантириш бўлича комплекс чора-тадбир-ларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бо-расидаги ишларни жадаллаштиришимиз лозим.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида бу бора-да муҳим вазифалар белгиланди. Бу ҳужжатнинг бе-шинчи устувор йўналиши мамлакатни хавфсиз ва тинчликсевар давлатга айлантириш иш-ларини давом эттириш бўлиб, унда иккита кичик йўналиш ва 11 мақсад ас этирилган. Мазкур устувор йўналиш очик, прагматик ва фаол ташиқ сиёсат қўриш шаклида мамлакатимиз хавфсиз-лиги, мудофаа салоҳиятини кучайтиришга йў-налтирилган.

Бу йўналишда ахборот хавфсизлиги ва ки-берхавфсизликка алоҳида эътибор берилган. Бугунги кунда ахборот-коммуникация тех-нологияларидан фойдаланиш содир этилаётган турли ҳуқуқбузарликлар сони ортиб бормоқда. Расмий маълумотларга кўра, 2023 йилнинг ян-варь-август ойларида 3712 та кибержўртлик со-дир этилди. Шундан 1625 таси киберўғирлик, 1141 таси киберфизибирлик, 102 таси гиёҳ-вандлик моддаларини интернет орқали тарқат-иш билан боғлиқдир.

Бу маълумотлар далолат берадики, ра-қамлаштириш жараёни жадаллашаётган бир вақтда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсиз-лики таъминлаш долзарб масалалардан бири. Шу сабабли, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида интернет тармоғидан тўсиқларсиз фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, миллий интернет маконида киберхавфсизлики таъмин-лаш ҳамда фуқароларнинг интернетдан фойда-ланиш борадидади саводхонлигини ошириш ус-тувор вазифалар сифатида белгиланган.

Шунингдек, стратегияда жаҳонда содир бў-лаётган мураккаб глобал жараёнларни инобатга олган ҳолда, Қуролли Кўчлар қудрати, мамлакат-нинг мудофаа қўбилияти ва ҳарбий салоҳиятини янада ошириш ҳамда чегаралар хавфсизлигини муостаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда халқаро ва минтақавий хавфсиз-ликка таҳдид солаётган хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда, давлатимиз чегаралари хавфсизли-гини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш устувор йўналишлардан биридир. Замонавий геосиёсий маконда янгича тенденциялар пайдо бўлаётган, интеграция жараёни жадал кечяётган бир вақтда дунёнинг энг ривожланган давлатла-ри чегара идоралари ҳам бошқа субъектлар ҳам-корлигисиз мамлакатнинг чегара хавфсизлигини таъминлай олмаслиги эътироф этилмоқда. Шу боис, дунё миқёсида бу йўналишда ҳамкорликни кенгайтириш долзарб бўлиб турибди.

Жумладан, мамлакатимизда ҳам бу йўна-лишда муҳим чора-тадбирлар қўрилмоқда. 2023 йил 13 сентябрда “Ўзбекистон Республикаси-нинг давлат чегараси тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши бу жаҳабдаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

чегара дарёларида, қўллар, самовий ҳудуд ва бошқа жойларда шахслар, транспорт восита-ларининг кесиб ўтиш тартиби ҳамда давлат че-гараси ва ўтказиш пунктлари режими, режим талаблари, улар бузилиши тушунчалари аниқ белгиланиб, батафсил ёритиб берилди.

Бундан ташқари, ҳужжатда Ўзбекистон фуқа-ролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўл-маган шахслар ҳамда транспорт воситаларининг чегара зонасига ва ўтказиш пунктларига кириши (чиқиши), ўтиши, бўлиши (яшаши), ҳаракатлани-ши тартиблари ҳамда давлат чегарасида, чегара минтақасида ва ўтказиш пунктларида ҳўжалик ва бошқа фаолиятни юритиш, хусусан, деҳқончилик қилиш ёки чорвачилик билан шугулланишга оид қондалар белгиланди.

Бу борада “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам қатор масалалар ўз аксини топди. Хусусан, давлат чегарасини қўриқлаш тизимига замонавий технологиялар, коммуникация воситалари ва тех-ник (муҳандислик) иншоотларини кенг жорий қи-лиш, давлат чегараси хавфсизлигини таъминлаш жараёнини сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда янада автоматлаштириш ва-зифалари белгилаб қўйилди.

Қуролли Кўчлар ва куч тузилмалари билан ҳамкорликни кучайтириш, биргаликдаги ҳара-катлар самарадорлиги ва мувофиқлашганлик даражасини ошириш, юқори малакали ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини мунтазам тако-миллаштириб бориш ҳам муҳим вазифадир. Ва-зирлар Мақомазининг тегишли қарори асосида олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисида низом тасдиқланган. Мазкур ҳужжат хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ор-ганлар тизимидаги олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари мақсади ва асосий вази-фаларини, таълим жараёнини ташкил этиш, шу-нингдек, таълим тизимини бошқариш тартибни белгилайди.

Қуролли Кўчларнинг рақамли салоҳиятини юксалтириш ва ахборот хавфсизлигини таъ-минлаш, ҳарбий хизматчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фой-даланиш борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш ҳам долзарб вазифага айланмоқда. Бу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш мақ-садида Тошкент ахборот технологиялари уни-верситети махсус факультети базасида Мудофаа вазирлиги ахборот-коммуникация технологияла-ри ва алоқа ҳарбий институти ташкил этилди. Институт Мудофаа вазирлигининг давлат олий ҳарбий таълим муассасаси бўлиб, савкизта йў-налиш бўйича тактик бўғиндаги офицер кадрлар тайёрлайди. Институтда ихтирочиликни ривож-лантириш ва янги инновацион юғяларни татбиқ этиш мақсадида олпита замонавий ўқув лабо-ратория фаолияти йўлга қўйилган. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳозирги вақтда олий ҳарбий таълим муассасаларида нафақат ўғил болалар, балки қизлар ҳам таҳсил олмақда.

Охириги йилларда Қуролли Кўчларимиз ҳар-бий хизматчиларининг ривожланган хорижий давлатлар олий ҳарбий таълим муассасаларида таълим олиши ва малака ошириши йўлга қўйил-ди. Ўз навбатида, эришилган келишувлар дои-расида айни пайтда қатор хорижий давлатлар ҳарбий хизматчилари Қуролли Кўчларимизнинг олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқимокда. Ички ишлар вазирлиги академиясида ҳам хори-жий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларини тайёрлаб, қайта тайёрлаш ва мала-касини ошириш тизими жорий этилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон оғир ри-вожланиш даврини енгиб, кучли мустақил дав-лат сифатида юксалаётган иқтисодиётни қурди ва ҳар йили қудратини муостаҳкамлаб борапти. Бу биз учун жуда қимматли, чунки у янги тарих-даги энг муҳим ва асосий ютуқдир.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МЕЗОНИ



**Бозорбой БЕРКИНОВ,
Институционал ва иқтисодий
тадқиқотлар маркази
директори, иқтисодиёт
фанлари доктори**

инсон салоҳияти ва билими рўёбга чиқишига хиз-мат қилмоқда. Шу боис, Президентимиз таълим сифатини оширишга бош мақсад макомини берди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида таълим йўна-лишларини чуқур ислоҳ қилиш ва сифатини янги поғонага олиб чиқиш учун хизмат қилувчи муносиб шарт-шароит яратишга эътибор қаратилган, упар-ни бажаришга зарур шароит кўзда тутилган.

Фуқаролар учун бюджет статистикаси маълум-отларига кўра, мактабгача ва мактаб таълимига, олий таълим ва инновацион ривожланишга 2023 йил учун бюджетдан 44,7 триллион сўм ажратил-ган. Бу кўрсаткич 2022 йилда 37,2 триллион сўм бўлган.

Ушбу рақамлар давлатимизда таълим сифати-ни ошириш ва уни халқ эҳтиёжларига янада яқин-лаштириш, бир-бирини тўлдирувчи ҳамда мўқобил бўлиш олиш ва итхиссолликларга эга бўлиш имко-ниятини янада кенгайтиради.

Стратегия мактабгача ва ўрта таълим тизими-ни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш учун болалар бoғчалар билан тўлиқ қамраб оли-нади. Давлат мактабгача таълим ташкилотлари



100 фоиз компьютерлаштирилади, бoғча ва мак-таблар тоза ичимлик сув ва санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминланади. Узоқ ҳу-дудлардаги мактаб ўқувчилари учун бeпул авто-бус қатновни йўлга қўйилади. Булар фарзандлари-мизнинг пухта билим олиш имкониятини ошириш учун яратилаётган шароитнинг бошланғич йўна-лишларидир.

Шунингдек, педагоглар иш ҳақини 2 барoбар кўтариш, педагогик таълимда олис ҳудудлар ва эҳтиёж юқори йўналишларда кадрлар тайёрлаш давлат гранти асосида амалга оширилади. Булар ўқитувчилик касбининг нуфузи янада юқори бў-лишини таъминлайди, педагоглар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Мактаб таълимининг узвий давоми сифатида профессионал таълимга қамровини кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш си-фатини ошириш, янги фундаментал ва амалий тадқиқотларни кучайтириш, ёшларнинг илмий из-ланишлари ҳамда инновацион лойиҳаларини қўл-лаб-қувватлаш, барқарор иқтисодий ўсишни таъ-минлашга асосий эътибор қаратилган.

Стратегияга биноан, 700 та касбий таълим таш-килотида ўқиш сифати ва моддий-техник база та-комиллаштирилади, 14 та ҳудудий касбий тайёр-гарлик маркази ташкил этилади. Бу соҳада таълим сифатининг ошишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда олий маълумотли мута-хассислар тайёрлаш сифатини ошириш диққат-эътиборда турган бош масала. Шу нуқтаи назардан, стратегияда 9 та устувор вазифа шакллантирилган.

Бунга кўра, ёшларни олий таълимга қамровини 50 фоизга олиб чиқиш, ўрта таълимга олий маълум-отли педагог кадрлар билан тўлиқ таъминлаш, 30 та олий таълим дастурини халқаро аккреди-тациядан ўтказиш, нуфузли олий таълим муас-сасаларининг етакчи 500 талиги ва 1000 талиги рейтингига киритиш, илмий салоҳиятни 70 фоиз-га етказиш, талабалар учун янги ўқув жойлари ва ётоқхоналар қуриш шулар жумласидан.

Фундаментал тадқиқот олиб боришга 3 трил-лион сўм, амалий тадқиқотларга эса 4 триллион сўм йўналтирилади, илмий ташкилот ходимлари-нинг иш ҳақи 2 барoбар оширилади. Булар стра-тегиянинг тамал тоши сифатида таълим, илм-фан ҳамда инновацион ривожланишга йирик инвести-циялар киритиш кўзда тутилганини кўрсатади.

Ушбу харажат эвазига стратегия доирасида 2,5 мингдан зиёд янги илмий ишланма яратилади, 850 турдаги инновацион маҳсулот ишлаб чиқиш, қиш-лоқ ҳўжалигида ҳосилдорлигини ошириш, транс-порт ҳамда саноат соҳаларида 8 та илмий ишлаб чиқариш кластери яратиш кўзда тутилган. Илм-фан, таълим-тарбия ва инновациялар йўлидаги ислохотлар янги Ўзбекистонни барпо этиш ва уни кучли иқтисодиётга эга давлатлар қаторига олиб чиқишда асос вазифасини ўтайди.

**Соғлиқни сақлашнинг
янги босқичи**

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳозирги исло-хотлар кўлами ҳамда аҳамияти билан таълим сифатини ошириш мақсадига ҳамоҳанг. Шу боис, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида аҳоли са-ломатлигини асраш, оғир касалларни давлат кафолати билан даволашга биринчи навбат-да эътибор берилди. Унга кўра, одамларнинг ўртача умрини 78 ёшга узайтириш, бирламчи тиббий ёрдам қўратиш хизматини кенгайти-риш, болалар ирсий касалликларини даволаш самарадорлигини ошириш, она ва бола ўлими-ни қисқартиришга доир зарурий чора-тадбирлар белгиланган. Мамлакатимизда инсон ҳаёти учун энг хавфли бўлган юрак-қон томир, қандли диа-бет, юкумли хасталиклар, шунингдек, саратонни эрта диагностика қилиш ва даволаш, бeморлар-ни соғлом ҳаётга қайтаришнинг янги усулларини қўллаш инсонпарварлиқни ифода этувчи улуғвор йўللари.

Бунинг ихросини таъминлаш учун барча имко-ният бор. Шу билан бирга, янги поликлиника, шифо-хоналар, тиббий илмий марказлар ташкил қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасида рақамли технологиялар-ни жорий этишга инсон соғлигини сақлашнинг стра-тегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Стратегияда тиббиёт соҳасидаги ислохотларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган йиллик маблағ ҳажми икки барoбар оширилиши белгиланган. Шунингдек, фуқаролар бюджетни ста-тистикаси маълумотларига кўра, соғлиқни сақлаш-га 2023 йил учун давлат бюджетидан 3,7 триллион сўм ажратилган. Бу 2022 йилдагига қараганда 23 фоиз кўп. Ушбу кўрсаткичлар соҳа ривожини янги босқичга кўтаришда муҳим молиявий дастак бў-либ хизмат қилади.

Соғлиқ — халқ бойлиги, уни сақлаш учун чуқур билим, катта тажриба ва салмоқли харажат та-лаб этилади. Соғлиқни сақлаш тизими инсоннинг дунёга келиши ва саломат ўсиб ўлгайишини таъ-минлайди. Сифатли таълим орқали инновация ва янги технологиялар юзага келади. Ўз навбатида, янги технологиялар ишлаб чиқариш самарадор-лиги ошиши, иқтисодиётнинг янада фаол ўсиши ва натижада жамият аъзоларининг фаровонлиги юқори бўлишини таъминлайди. Демак, мамла-катимизда соғлиқни сақлашни таълим тизими билан ҳамоҳанг янги босқичга кўтариш Ўзбекис-тон иқтисодиётининг барқарор ўсишига кенг йўл очади.

Пировард мақсад

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, энг аввало, тадбиркорлик ривожини учун зарур шарт-шароит яратишга билан боғлиқ. Президентимиз тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқотларида ушбу соҳада эришилган ютуқларни ижобий баҳо-лаб, навбатдаги муҳим янги ташаббусларни халқ-имиз эътиборига ҳавола этди.

Ташаббусларнинг биринчи йўналишида маҳал-ла ва туманда янги микротадбиркорлик муҳити яратилади. Асосий эътибор кичик бизнеснинг мо-лиявий механизмларини такомиллаштириш ҳамда ҳар бир ҳудудда кичик бизнес марказлари ташкил этишга қаратилади. Ушбу саъй-ҳаракатлар тўғрй-ли маҳаллада оилавий микротадбиркорлик кичик бизнес даражасига кўтарилади. Бу ҳар йили янги кичик корхоналар оёққа туриши, ўрта бизнес субъ-ектлари шаклланиши ва иш ўринлари яратилиши-га олиб келади.

Мамлакатимиз иқтисодий ривожини юқори си-фатли маҳсулотлар экспортсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ўзбекистон рақобатбардош маҳ-сулотларни экспортга чиқаришда самарали на-тижаларга эришиди. Экспортчи корхоналар сони кейинги 4 йилда 4,5 мингдан 7,2 мингга қўйлади, маҳсулотлар тури 1,5 мингдан 3 мингга ошди. Айни пайтда маҳсулотларимиз 164 мамлакатга со-тилмоқда. Бу ўтган 4 йилдагига нисбатан 25 тага кўп. Ушбу ҳолат юртимизда сифатли маҳсулотлар билан бозорга кириш, унга янги брендларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи кўп қиррали исло-хотлар макроиқтисодий барқарорликка эришиш, институционал ислохотларни изчил давом этти-риш, тадбиркорлик ривожини янада юқори босқич-га олиб чиқиш, аҳоли фаровонлиги ва даромадла-рини оширишга хизмат қилади.

**Таълим сифатини ошириш —
асосий вазифа**

Мамлакатимиз таълим тизими ўзаро боғлиқ беш йўналишни ўз ичига олади. Уларнинг ҳар бири



www.yuz.uz




yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЖАМИЯТ

АЁЛГА ЧИНАКАМ ҚУВОНЧ УЛАШАДИ

“

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини ошириш, раҳбар аёллар сафини янада кенгайтириш, етакчилик кўникмаларини ривожлантириш ҳамда ёш қизларни раҳбарликка тайёрлаш, гендер тенглик муаммоларини бартараф этиш учун хизмат қилишга қаратилган Ўзбекистон етакчи аёллари мулоқоти платформаси ташкил этилди.



Нодира ЭГАМБЕРДИЕВА, “Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти директори, педагогика фанлари доктори

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам хотин-қизлар масаласига тўхталиб, гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш сиёсатини давом эттириш янги Ўзбекистон учун муҳим устувор йўналиш эканини билдирди. Хусусан, хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этиши долзарб экани, миллий сиёсатимиз марказида турайдиган эзгу мақсад оилалар мустаҳкамлиги, аёлларимизнинг ҳуқуқий ҳимояси ва оқсоқиллик ҳаётини таъминлашдан иборат бўлиши таъкидланди.

Гендер тенгликка эришиш борасидаги тизимли ишлар, жумладан, ўтган йили олийгоҳларга қабул қилинган талабаларнинг 49 фоизи қизлар экани, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши эса биринчи марта 35 фоизга етгани, аёллар ва вояга етмаганларни зўравонликдан ҳимоя қилиш мақсадида алоҳида қонун қабул қилингани қайд этилди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси бу борадаги эзгу ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжатда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш борасида аниқ вазифалар белгиланди.

Жумладан, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш орқали бошқарув лавозимларидаги хотин-қизлар улушини янада ошириш, жамиятда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, “Аёллар дафтари” билан манзилли ишлашнинг шаффоф механизминини яратиш, мазкур ишлар бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш каби вазифалар аниқ кўрсатилган.

Жамиятда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар эҳтиёжларини рўйбга чиқариш, имкониятларини кенгайтириш, муаммоларини ҳал этиш, ижтимоийлашувини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор вазифалари қаторидан ўрин эгаллаган.

Юртимизда давлат ва жамият ҳаётига дахлдор қарорларни қабул қилиш жараёнида хотин-қизлар иштироки сезиларли даражада ортган. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 33 фоизи, Сенат аъзолари ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатларининг 25 фоизи хотин-қизлардир. Ушбу кўрсаткичлар орқали Парламентларо иттифок томонидан юритиладиган “Сиёсатдаги аёллар” жаҳон рейтингининг “Парламентдаги аёллар” қисмида Ўзбекистон 130-ўриндан 51-ўринга кўтарилди. Шунингдек, шаҳар, туман ҳокими, вазир, элчи каби масъул лавозимларга аёллар тайинланаётгани уларга бўлган ишончининг ортиб бораётганини кўрсатади.

Хотин-қизларнинг тадбиркорлик соҳасидаги улуши 37 фоизга, сиёсий партияларда 47 фоизга етди. Тиббиётда 77 фоиз, таълим соҳасида 74 фоиз, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида 46 фоизни ташкил этмоқда. Икки мингга яқин хотин-қиз давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилмоқда.



НАЗОРАТ

ИСТЕЪМОЛЧИ МАДАНИЯТИ

Соғлом рақобат ва иқтисодий ривожланишда муҳим жиҳат

Отабек УСМОНОВ, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси раиси маслаҳатчиси

Ҳаммамиз истеъмолчимиз. Кундалик ҳаёт тарзимизда савдо-сотиқ муносабатларида иштирок этамиз, турли хизматлардан фойдаланамиз. Лекин орамизда шундай инсонлар борки, мазкур жараёнларда қонунбузилиш ҳолатлари, камчиликларга дуч келса-да, қаерга мурожаат қилишни билмайди ёки билса ҳам ортиқча ташвиш, дея индамай кетаверади.

Аслида, бундай бўлиши керак эмас. Ривожланишни кўзлаган жамиятда жамоатчилик назорати, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиш истаги бирламчи туриши керак. Мана шундай фаоллик эвазига Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси жорий йилнинг январь-август ойларидида рақобатни таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича суд ишларини янада даъвогар ва аризачи ҳамда жавобгар сифатида 23 та суд ишида иштирок этди.

Бу камми ёки кўп? Жавобгар нуктаи назаридан қаралса, кўпдек, истеъмолчи назарида эса камдек туюлади. Муҳими, жараён мавжудлигида, ўз ҳуқуқ ва манфаатлари доирасида соғлом фикр ҳамда рақобатнинг юзага чиқаётганида. Бинобарин, суд ишларининг 8 таси тўлиқ, 6 таси қисман кўмита фойдасига ҳал этилди.

Шу ўринда фикримизни мисоллар билан давом эттирсак. Масалан, кўмитага “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан ақтуар хизматни харид қилиш учун “etender.uzex.uz” электрон платформаси

орқали ўтказилган тендер савдолардан норозилик билан боғлиқ мурожаат келиб тушди. Мурожаат ўрганиб чиқилганда, ҳақиқатан, “Рақобат тўғрисида”ги қонун талаблари бузилиши аниқланди.

Ўтказилган тендерда бюротмачи томонидан иштирокчилардан бирига бошқа иштирокчиларга нисбатан имтиёзли шарт-шароит яратиб берилгани маълум бўлди. Ушбу ҳолат бўйича кўмита томонидан 2022 йил декабрь ойида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга қонун бузилиши ҳолатини бартараф этиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича кўрсатма берилган.

Бироқ “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ кўмитанинг қарор ва кўрсатмасидан норози бўлиб, уни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги шикоятни билан Тошкент туманларо маъмурий судига мурожаат қилган. Суд томонидан эса ушбу мурожаатни қаноатлантириш рад этилган ва кўмитанинг қарор ва кўрсатмаси ўз кучида қолдирилган.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ биринчи инстанция судининг ушбу ҳал қи-



лув қароридан норози бўлиб Тошкент шаҳри маъмурий суди ва Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига қилган апелляция ҳамда кассация шикоятлари натижаси ҳам худди шундай бўлган, яъни уларнинг талабини қаноатлантириш рад этилган.

Яна бир мисол. Кўмитанинг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан “Musaffo obi hayot” МЧЖнинг ичимлик сув ва оқова хизматлари ҳамда иситиш тизими тарифлари асосли шакллантирилиши, қўлланишига риоя этилиши юзасидан ўрганиш ўтказилганда, бу ерда айрим камчиликлар борлиги аён бўлган. Яъни “Musaffo obi hayot” МЧЖ томонидан тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш), келишиш ва белгилашда тегишли орган-

ларга ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ишонсиз маълумотлар тақдим этилган. Мазкур ҳолат бўйича кўмитанинг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 2022 йил ноябрь ойида “Musaffo obi hayot” МЧЖга қонун бузилиши ҳолатини бартараф этиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик ҳамда белгиланган тартиблар бузилиши ортдан олинган жами 1 миллиард 318 миллион сўмдан ортиқ пул маблағини истеъмолчиларга қайтариш, уларни аниқлаш имкони бўлмаган тақдирда, ихтиёрий равишда давлат бюджетига тўлаш бўйича кўрсатма берилган.

Ортиқча чиким хеч кимга ёқмайди, албатта. Шу жумладан, “Musaffo obi hayot” МЧЖга ҳам. Шу босис, жамият мутасаддилари ушбу қарор ва қарсатмадан норози бўлади. Улар томонидан қилинган шикоят кўмитанинг апелляция кенгаши қарори билан қисман қаноатлантирилди: асоссиз олинган пул миқдори 1 миллиард 2 миллион 789 минг 746 сўм деб топилади.

Лекин МЧЖнинг бундан ҳам кўнгил тўлмай, Тошкент туманларо маъмурий судига ариза топиради. Аризани қаноатлантириш эса ҳал қилув қарори асосида рад этилади.

Шу билан бира, айрим судлар томонидан Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси қарорлари ҳам бекор қилинмоқда. Масалан, кўмитанинг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан нефтни қайта ишлаш заводлари ҳамда нефть базалари томонидан дизель (ЭКО дизель) ёқилғисини фермер ҳўжалиқла-

айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши ҳам бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Бу қонун билан келгил қонунчилигимизга хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий соҳада ўз ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишда қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибга солиш, қонунчиликни халқро стандартлар асосида такомиллаштиришни назарда тутувчи, болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга оид ўзгартишлар киритилди. Хусусан, оилавий (маиший) зўравонлик, шахснинг шаънини ва кадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир туттиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик белгиланди. Қонун билан 30 кунгача узайтириш мумкин ҳисобланган ҳимоя ордери амал қилиш муддатини 1 йилгача муддатга жиноят ишлари бўйича суд томонидан узайтириш имконияти яратилди.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқида “БМТ — Хотин-қизлар” тузилмаси билан ҳамкорлиқни янада кенгайтиришни алоҳида тилга олди. Аёлларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўйбга чиқариш масалаларини муҳокама қилиш ва тажриба алмашиш учун келгуси йил Ўзбекистонда Осиё хотин-қизлари форумини ўтказишни тақлиф этди.

Сўнгги йилларда гендер тенглик борасидаги халқро муносабатларга ва Ўзбекистоннинг халқро нуфузини ошириш масалаларига ҳам катта эътибор бериб келинмоқда. Илк бор Марказий Осиё давлатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ташкил этилди. Гендер масалалари юзасидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари орасида юриётган билан сиёсати натижасида 2021 йилда биринчи бўлиб мулоқотга Ўзбекистон раислик қилди. 2022 йил Тошкент шаҳрида Парламентларо иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити ўтказилди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини ошириш, раҳбар аёллар сафини янада кенгайтириш, етакчилик кўникмаларини ривожлантириш ҳамда ёш қизларни раҳбарликка тайёрлаш, гендер тенглик муаммоларини бартараф этиш учун хизмат қилишга қаратилган Ўзбекистон етакчи аёллари мулоқоти платформаси ташкил этилди.

Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” индексида Ўзбекистон хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислохотларни амалга оширган давлатлар қаторига кирди. Президентимизнинг тегишли фармонига асосан, “Аёллар, бизнес ва қонун” индекси мамлакатимиз учун устувор бўлган халқро рейтинг ва индекслар рўйхатида киритилди. Бунга масъул давлат органи этиб Оила ва хотин-қизлар кўмитаси белгиланди.

Гендер тенглик сиёсатида илмий тадқиқот ишларини самарали олиб бориш ва унинг илмий асосланган ғояларини ҳаётга татбиқ этиш муҳим йўналишлардан биридир. Бу борада “Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институтида қатор илмий ишлар қилинмоқда. Хусусан, хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқ

ҳамда имкониятларини таъминлаш, аёлларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида 1 та фундаментал, 2 та инновацион ва қисқа муддатли 10 га яқин илмий-амалий лойиҳа бажарилди. Шу билан бира, мамлакатимизда гендер муаммоларини ўрганиш, тарғиб этиш, мониторингини юритиш бўйича “uzgender.uz” электрон платформаси ишлаб чиқилди. Платформада илмий-амалий тадқиқотлар, манбалар, таҳлилий маълумотлар, онлайн ўқув курслар, рақамли кутубхона, гендер бўйича мультимедиа махсуслотлари жамланган. Шунингдек, порталда гендер индекс ва рейтинглар бўйича ягона маълумотлар базаси шакллантирилган.

Институтда ўтказилган сўнгги тадқиқотлардан бири глобал гендер индекс рейтингларида Ўзбекистоннинг ўрнини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланди. Тадқиқот иши доирасида Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” индекси, Жаҳон иқтисодий форумининг “Глобал гендер тафовут индекси”, БМТ Тараққиёт дастурининг “Гендер тенгсизлик индекси”, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг “Ижтимоий институтлар ва гендер индекси” ҳамда бошқа индексларнинг баҳолаш методологиялари ўрганилди ва Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш борасида ишлар қилинди.

“Глобал аёллар, тинчлик ва хавфсизлик” индексининг асосий индикаторлари бўйича Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида 74-ўринни эгаллади. Open Data Watch ташкилотининг 2022-2023 йилги ҳисоботида Ўзбекистон “Очиқ гендер маълумотлари индекси”да 69,7 балл тўплаган ҳолда жаҳондаги энг яхши 20 та мамлакат орасидан жой олди. Шунингдек, инсон тарақиёти индекси таркибидagi композит индекслардан ҳисобланувчи “Гендер тенгсизлик индекси”, “Гендер ривожланиш индекси”, “Гендер ижтимоий нормалар индекси” бўйича ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди. Гендерга оид мазкур индексларни таҳлил қилиш натижасида тегишли идора ва ташкилотлар учун тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Инсон ҳуқуқлари кафолатлари таъминланган демократик ва фуқаролик жамияти сари дадил одимлаётган мамлакатимизда аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштироки муҳим. Шу нуктаи назардан, халқро ҳамжамият томонидан мазкур йўналишдаги ишлар қўллаб-қувватланиши Ўзбекистоннинг дунёда янада ҳалқчил, демократик давлат сифатида тан олинишига имкон яратди. Шу босис, жамиятда хотин-қиз ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни яратишда илмий асосланган ғоялар, таъминланган қонунлар ҳамда самарали амалий чора-тадбирларни изчил давом эттириш долзарб бўлиб қолаверади. Зеро, аёлларимизнинг бахти халқимиз, жамиятимизнинг бахтидир.



рига қонунчилик талабларига мувофиқ сотилиши юзасидан ўрганиш ўтказилган. Ўрганиш натижасида “To’g’o’rg’on neft bazasi” МЧЖ томонидан дизель ёқилғиси 5 минг 400 сўмдан етказиб берилиши лозим бўлса-да, қўллаб ҳолатларда белгиланганидан юқори нархларда етказиб берилиш ҳолатлари аниқланган.

Ушбу ҳолат юзасидан кўмитанинг тегишли тартибдаги қарори билан “O’zbekneftgaz” АЖ ва “To’g’o’rg’on neft bazasi” МЧЖ томонидан Вазирилар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги қарори билан тасдиқланган Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилиши давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари бузилган деб топилад.

Кўмита қарори билан ушбу МЧЖ ҳуқуқбузарлик содир этилиши натижасида асоссиз олинган 2 миллиард 752,1

миллион сўмни истеъмолчиларга, бира савдоларида дизель ёқилғиси бошланғич нархи ошириб қўйилиши натижасида асоссиз олинган 826,5 миллион сўм маблағни эса давлатга ихтиёрий равишда тўлаш (қайтариш) белгиланган. Бу ҳолатда “To’g’o’rg’on neft bazasi” МЧЖнинг кўмита қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги аризаси Тошкент туманларо маъмурий судининг 2023 йил 6 январдаги ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилди. Бу иш кейинчалик Олий судгача бориб, алалоқибат жамият фойдасига ечим топди.

Умуман олганда, бу каби ҳолатлар мамлакатимизда рақобатни таъминлаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётгани, жараён тобора фаол бўлиб бораётганини аниқлатади. Бу фаоллик эса, қўриқда қайд этганимиздек, фойда келтирди, асло зарар эмас. Шундай экан, истеъмолчи сифатида фаол бўлишдан тортинманг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

БИРИНЧИ БЎЛИШ

машаққати ва бахти

Билим туфайли одам буюклашиб,
шуҳрат топади.

Юсуф Хос Ҳожиб

Нуриддин ОЧИЛОВ,
журналист

Бундай бахт мингдан биттага, балки миллиондан биттага насиб этар. Чунки биринчи бўлиш осон эмас. Айниқса, **илм-фанда биринчи бўлиш метин** иродаю кунни тунга улаб тинимсиз ўқиб-ўрганишни, манбаларни таҳлил қилиб, асосли хулоса чиқаришни, ҳаққонийлик ва адолат меъёрларига амал қилишни талаб этади. Бундай бахтга оғирнинг остидан юришни одат қилган, ҳалол меҳнат мевасига қўниккан, қалби буюрган ишни қилишга ўрганган, ўз ишининг жонкуяр ва фидойиси бўлган, йўлига тўғоноқ бўладиган бўруну тўфонлардан чўчимайдиган мард ва қатъиятли, қаноатли кишигина муяссар бўлиши мумкин.

Шуни ўзгача бир гурур билан барал-ла айтиш мумкинки, қандай замон, қандай тузум ва қандай шароит бўлишидан қатъи назар, улуг алломаларимиз бошлаган буюк яратувчанлик ҳеч қачон тўхтаган эмас. Улар ҳамиша халқимизнинг кучига куч, гайратига гайрат қўшиб, янги-янги кашфийотларга, бунёдкорлик ишларига илҳомлантириб, янги-янги “биринчи”ларни кашф этиб келган. Бу саъй-ҳаракат ҳатто Соҳибқирон Амир Темурни босқинчи, қонхўр деб қораланган, у ҳақда гапириш жиноят ҳисобланган шурулар даврда ҳам тўхтамаган. Буюк тарихимиз ва миллий қадриятларимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиш орқали ҳақиқатни ошкор қилишга ва бундан янги авлодни воқиф этишга бўлган азму қарор асло сўнггани йўқ. Акс ҳолда, кимсан, Иброҳим Мўминов бошида тегиш-мон тоши айланганини била туриб, қизил салтанатнинг энг қалтис бир пайтида Амир Темур ҳақидаги ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун астойдил бел боғлармиди? Советларнинг дахшати бир замонда-я?! Уша даврда жуда хавфли ва хатарли бўлган бундай хайрли ишга қўл уриш учун биргина истак ва журъатнинг ўзи кифоя эмаслигини, бу ҳаёт-мамонт, яъни кундага бош қўйиш билан баробар эканини, керак бўлса, адолат учун шунга тайёр туриш лозимлигини-чи, билармиди? Ойласи, бола-чақаси тақдирини-чи? Бу ҳақда дўппини олиб қўйиб, обдан ўйлаб қўрганмикан? Ўйлагани! Ўйлаганда ҳам тарозининг бир палласига Соҳибқирон ҳақидаги тарихий далилларга асослаган ҳақиқатни, иккинчиси эса қизил салтанат сиёсатини қўйиб, кўп ва ҳўб ўйлаган. Лекин бу ўзоққа чўзилмаган. Вақт кутиб турмаслигини билган олим бировага ломим демай, академия кутубхонасига қатнаб, керакли, аммо тақиқланган китобларни мутлола қилишга киришди.

Иброҳим Мўминов Шофирқон туманининг Тезгузар қишлоғида 1908 йилнинг 7 ноябрида деҳқон оиласида таваллуд топган. Аввал қишлоқ мактабиди, сўнг Бухородаги Маориф институтиди, кейин Самарқанд педагогика академиясида таҳсил олган. Талабалик бурчини бажариш баробарида ўқитувчилик ҳам қилган. Унинг ҳақиқий педагог ва раҳбарлик фаолияти Самарқанд Давлат университети ташкил топган 1933 йилдан бошланган. У бу билим даргоҳида декан ва ўқитувчи лавозимларида фаолият кўрсатди. Айни шу йиллари ёшлигидан меҳр қўйган ижтимоий фанлар, айниқса, тарих ва фалсафани кўп билан ўрганишга, ўқиган ҳар бир асарининг моҳиятини теран англашга ҳаракат қилиб, шу жараёнда ўзи ҳам бир қатор илмий мақолалар ёзди.

Ўзимиздаги фалсафий тафаккурни тадқиқ этиш учун Қадимги юнон, Оврупо ва айниқса, Гегель фалсафасини чуқур ўрганиш зарур деган қарорга келиб, вақтни бой бермай, мутлолаага шўнғиди. Немис фалсафасининг буюк намоёнаси Гегель асарларини синчковлик билан ўрганади. Бу жуда қийин ва мураккаб бўлса-да, Иброҳим Мўминов уни удаллади

ва Гегель фалсафасининг туб-тубигача етишга ҳаракат қилди. Сўнг Гегелнинг диалектика ва метафизика ҳақидаги ғояларини таҳлил этди. Бу борадаги етти-саккиз йиллик машаққатли меҳнат 1941 йилда номзодлик диссертациясининг муваффақиятли ҳимояси билан якун топади.

Ёш олим Иброҳим Мўминовнинг мазкур илмий тадқиқоти собиқ иттифоқнинг ўша пайтдаги номдор файласуфлари томонидан юксак баҳоланиб, Гегель фалсафасининг ҳозирга қадар муаммо бўлиб келаётган кўпгина қирраларини илмий жиҳатдан ҳаққоний таҳлил қилиб берилган тадқиқот, дея эътироф этилади. Иброҳим Мўминов фалсафа фанини ўқитиш сифатини юқори даражага кўтариш учун ўқув қўлланмалари, дастурлари ва маъруза матнларини яратишга киришиб, тузилган ишчи гуруҳига раҳбарлик қилади. Шу билан бирга, давом эттириши шарт бўлган илмий иши мавзусини шарқ фалсафаси даҳоларидан бирига қаратади.

Ҳиндистонда туғилиб, ўша ерда яшаб, ижод қилган, асли ўзбекнинг бар-лос уруғидан бўлган Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафий тафаккурини ўрганишга киришди. Бедил асарлари нафақат Ҳиндистонда, балки Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларида ҳам кенг тарқалган ва унга катта шуҳрат келтирган бўлса-да, мутафаккир шоир ҳақидаги маълумотлар жуда тақийл бўлиб, борлари ҳам араб алифбосида форс тилида ёзилган. Иброҳим Мўминов эса ёшлигида араб тилини пухта ўрганган, бу тилдаги асарларни бемалол ўқир ва маъно-мазмунини тушунишда қийналмас эди. У Бедил фалсафий тафаккури ҳақида



маълумот берувчи манбалар деярли йўқлигини инобатга олиб, шоирнинг асарларини бирма-бир диққат билан ўрганади. Бунгача Бедил фалсафаси тадқиқ этилмаган, бу борада ҳам биринчи



қадамни Иброҳим Мўминов қўйган эди. Унинг таъкидлашича, Бедилнинг инсон ҳақидаги фалсафаси фақат ижобий таърифлардан иборат эмас. У инсоннинг фазилатлари бир олам бўлса, иллатлари иккинчи бир оламдир, деб тушунади. Бедил инсондаги яхшиликларни таъкидлаб, ёмонликларини бартараф этиш йўллариин излайди.

Файласуф нуктаи назарининг муҳимлиги шундаки, у кишиларга ирқий, миллий, диний эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир инсон ҳурмат ва эҳтиромга сазоворлигини нақл қилади. Одамзод ва башариятта ўз муҳаббати, меҳрибонлигини ифоддалаб, инсонни Ҳазрат деб атайди. Айни вақтда ҳар бир инсон ўз ватанининг содиқ фарзанди, ўз элининг гамхўри бўлмоғи лозим, дейди. Инсонга ана шундай муносабатда бўлмаганларни қаттиқ қоралайди. “Кимки Ҳазрати Инсоннинг ҳурмат-эҳтиромга сазоворлигини тан олмаса, у малъундир”, дейди. Шарқ фалсафаси тарихида илк бор янги қўриқ очишга муваффақ бўлган олим-



нинг илмий жамоатчилик томонидан юксак баҳоланган бу илмий ҳақиқати икки марта ўзбек тилида ва икки марта рус тилида китоб ҳолида нашр этилди.

Иброҳим Мўминов бошқа мавзу ва йўналишлар бўйича ҳам илмий тадқиқотлар олиб борди. Чунончи унинг 1976-1977 йилларда “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган тўрт жилдан иборат саксон босма таъриқат танланган асарларнинг тўрттинчи жилдида келтирилган илмий тадқиқотлар библиографияси билан танишган киши бунга тўла ишонч ҳосил қилиши мумкин. Мазкур библиографияни тузувчиларнинг фикрига кўра, унга олимнинг 1933-1976 йиллар ораллигидаги илмий тадқиқотларининг энг муҳимлари киритилган. Уларнинг умумий сони 165 та бўлиб, 20 тасини монография ва китоблар, 42 тасини тўп-ламлар, 19 тасини рисолапар, қолганларини газета ва журналларда чоп этилган мақолалар ташкил этади. Библиография рўйхатидаги “XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан” деб номланган йирик тадқиқот доктор-лик диссертацияси бўлиб, уни муаллиф 1950 йилда муваффақиятли ҳимоя қилди ва фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олишга эришди.

1943 йил Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташкил этилиб, унинг таъсис йилигишида Иброҳим Мўминов академиянинг мухбир аъзоси этиб сайланади. Садриддин Айний, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Иззат Султон, Комил Яшин, Воҳид Абдулла каби атоқли олим ва ёзувчилар билан ёнма-ён туриб, академиянинг оёққа туришида ва кенг қулоч ёзишида

муносиб ҳисса қўшди. 1955 йилнинг ку-зида Иброҳим Мўминов Фанлар академиясининг Тарих институтига раҳбарлик қилишга тақлиф этилади. 1956 йил у Фанлар академиясининг академиги ва вице-президенти этиб сайланади. Ана шу даврдан бошлаб, алломанинг нафақат илм-фандаги, балки давлат ва жамоат ишларидаги ташкилотчилик ҳамда раҳбарлик салоҳияти ошиб борди. Академикнинг фалсафа фани бўйича фан докторларини қўлайтиришдек азму қарори рўёбга чиқиб, Иброҳим Мўминов мактаби юзага келди. Аллома йигирмадан зиёд фан доктори ва юздан ортқ фан номзодини тайёрлаш, шунингдек, зиммасидаги қатор раҳбарлик вазифаларини бекаму кўст бажариш баробарида ўзи ўйлаб юрган тадқиқотлар устида ҳам тиним билмай ишлади. У киши иш кабинетидида ўтирганида ҳам, албатта, бирон-бир қўлэзмани таҳрир қилаётган, янги тузилган фикрларни қозоғга тушираётган ёки китоб мутлола қилиб ўтирган бўлар эди.

Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати, Ўзбекистон Олий Кенгаши Ташқи ишлар бўйича доимий комиссиясининг раиси, “Фан ва турмуш”, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” ойлик журналлари бош муҳаррири, Ўзбекистон “Билим” жамаияти ва Ўзбекистон файласуфлари жамаияти раиси, Ўзбек Қомуси бош таҳририятининг ташкилотчиси ва биринчи бош муҳаррири сингари қўллаб ўта масъулиятли раҳбарлик вазифалари академик Иброҳим Мўминовдан ана шундай гайрат-шижоат билан ишлагани талаб этиши табиий эди. Биринчидан, бу алломага билдирилган юксак ишонч бўлса, иккинчидан, у кишининг билим ва тажрибасидан, илмий салоҳиятидан тўғри ва самарали фойдаланиш, учинчидан, етук қадрларни тарбиялаш кўзда тутилгани аниқ. Аллома қаламига мансуб “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни

ва роли” номли рисола ҳақидаги фикрининг олимнинг садокатли шоғирди, фалсафа фанлари доктори, профессор Наим Ғойибовнинг ҳикояси билан давом эттиришни лозим кўрдик. — 1966 йилнинг баҳори. Номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган, Фалсафа ва ҳуқуқ институтида катта илмий ходим вазифасида ишлаётган эдим. Қўнларнинг бирида устоз мени хузурига чорлаётганини айтишди, — деб ёзади Наим Ғойибов. — Академия Президиумига тезда етиб бордим. Домла Амир Темур ҳақида рисола тайёрлаётганини гапириб, бунинг учун баъзи манбалардан материаллар йиғиш, иктибослар олишга ёрдам беришимни сўради. Ва сўзида давом этиб, Академиянинг асосий кутубхонасидаги махсус фонdda сақланаётган олпига китобини номма-ном санади. Мен вазифани тушун-ган бўлиб, ўрнимдан қўзғалган ҳам эдим, устоз “Йўқ, тўхтанг, сизга дабдурустан бу китобларни беришмайди, бунинг учун хат ёзиб берамиз”, деди. Хиёл ўтмай, котиба хатни олиб кирди. Унда менинг катта ил-мий ходим эканим ва Амир Темур ҳақида-ги китоблар билан танишиш учун менга рухсат берилгани айтилиб, танишмишга китоблар рўйхати ёзилганди. Улар ораси-да Клавихонинг 1881 йилда Санкт-Пете-бургда рус тилида чоп этилган “Дневник путешествия ко двору Темура в Самар-канде в 1403-1406 г.” китоби, француз олими Лангзёнинг 1890 йилда Тошкентда рус тилида чоп этилган “Жизнь Темура” номли асари, шунингдек, рус шарқшу-нослари асарлари бор эди. Домла хатни менга узатиб, бу китобларда бобомиз Амир Темур ҳақида ҳақ гаплар кўп, улар-ни синчковлик билан ўрганиш зарур, деди. Сўнгра аллақерда Темур ҳақида Маркснинг бир фикрини ўқганини ва илоҳи бўлса, унинг ўша сўзларини излаб

топишни тайинлади. Мактубни олиб, Академиянинг ўша вақтдаги Қизил майдон билан туташ биносидида жойлашган асосий кутубхонасига бордим. Кутубхона дирек-тори хатни ўқиб чиқиб, бир оз сукут сақла-ди, менга таажжуб аралаш қараб қўйди. Сўнг бир ходимини чақирди-да, мактубни унга бериб, менинг ишимни белгиланган тартиб асосида ташкил этишни ўқтир-ди. Ходима билан бир хонага кирдик. У “Ҳозир”, дея чиқиб кетди. Бир оздан сўнг қалин папка қўлтиқлаб кирди-ю, папка ичидан муъжаз бир китоб чиқариб, менга тутқазди. Ходима хонадан чиқиб кетаёт-тиб, “Кечирасиз, энди мен сизни қолди-риб, хонани қўлфлаб кетишим керак, тартиб шунча, бирон саволингиз бўлса, мана телефоним, чақирасиз”, деди. Хо-дима хонадан чиқди. Эшик широк этиб қўлфланди. Мен эса директорнинг ҳали айтган “белгиланган тартиби” шу бўлса керак, деб ишга киришдим. Менга қолди-рилган китоб Клавихонинг юқорида номи келтирилган асари эди. Секин varaқла-дим. Клавихо деган номни олдин эшит-маганим учун ношир томонидан берилган сўзбошини ўқий бошладим. Демак, Кла-вихо Испаниянинг Амир Темур хузури-даги элчиси, Темур билан кўп учрашган, унинг давлат юртиш ишларини, жангу жадалларини кўрган, қузатган шахс. Бу-нинг устига европалик, холис инсон. Е-нобарин, унинг эсдаликлари энг ишончли бўлиши керак. Шу ҳаёллар билан китоб-ни синчиклаб ўқий бошладим. Ё, ажабо! Бу ердаги гаплар мен ўйлаганимдан ҳам зиёда. Домланинг бу китобларда Темур бобомиз ҳақида ҳақ гаплар кўп, деган сўз-лари қўлогимда баландроқ жаранглайди. Ҳақиқатан, Амир Темурни салбий қўри-нишда таърифлаган совет мафқурасига қарама-қарши ўлароқ, Соҳибқироннинг олим, шоир, санъаткор, меъмор ва ҳу-нармандлар билан суҳбатлари, қурилиш соҳасидаги ишлари, Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, бошқа шаҳарларда ободо-чиликка эътибор ва ҳоказолар кўтарин-килик билан баён этилган... Китобдан энг зарур жойларини дафтаримга кўчирдим. Шу зайилда ишлаб, овқатланиш ҳам эс-дан чиқиб кетди... Чамаси, ходиманинг иш соати тугади, шекилли, кечга томон эшик широк этиб очилиб, хонага кириб келди.

— Бугунга етар, эртага бошқа китоб устида ишлайсиз, — деганча қўлимдан Клавихонинг китобини олиб, мен билан хайрлашди. Эртасига Лангзёнинг кито-би, кейинги кунлар бошқа китоблар билан танишиб чиқдим. Хуллас, кутубхо-нанинг менга ажратилган хонасида бир ҳафта ишладим. Кутубхона ходимаси менинг ишимни “белгиланган тартиб” асосида ташкил этди. Навбат ходимага миннатдорлик билдириб, хайрлашишга келганда, Маркснинг Темур ҳақидаги фикри масаласи эсимга тушди.

— Карл Маркснинг Амир Темур ҳа-қида бир баҳоси бор экан, шуни топиш-га ёрдам беролмайсизми? — сўрадим ундан. — Овора бўлманг, умумий катало-дан уни тополмайсиз... Майли, ёрдам берсам, берай, — деди-да, чиқиб кет-ди. Хиёл ўтмай, қалингина бир китобни қўлимга тутқазиб, “Қўринг-чи, шундан топсангиз керак”, деди. Китоб “К.Маркс. Хронологическое выписки. Архив Марк-са и Энгельса.Т.У1” деб номланган. Ки-тобни varaқлай бошладим. Маркснинг ҳаётига доир ёзувлар, унинг узук-юлук сўзлари қалашиб ётибди. Киши энди, булар орасидан керак бўлган сўзлар қача қолса... Ниҳоят, толдим! Маркс Амир Темур фаолияти ҳақида гапириб, Темур ўзи тузган янги салтанатда адо-латли қонунлар жорий этди, деган экан. Ана шу биргина жумла учун “бечора” бу китоб ҳам махсус фонdda тушибди. Ку-тубхонада тўпланган материалларни тартибга солиб, домлага тошлардим. Устоз рисола устида яна икки йил иш-лади. Ниҳоят, қўлэзма тайёр бўлди. 1968 йилнинг май ойида Академия Президиумида кенгайтирилган Кенгаш қақарилиб, унда устоз ўзи ёзган рисо-ла ҳақида маъруза қилди. Сўзга чиқ-қан барча олимлар, академиклар, фан докторлари, профессорлар Иброҳим Мўминов асарини ёқлаб гапирди, уни ўзбек ва рус тилларида чоп этиш за-рурлигини таъкидлади. Ва у ўша, 1968 йилда “Амир Темурнинг Ўрта Осиё та-рихида тутган ўрни ва роли” номи би-лан рус ва (менинг таржимамда) ўзбек тилларида алоҳида-алоҳида китоб

бўлиб босмадан чиқди. Республика илмий-маданий жамоатчилиги уни хур-сандлик билан кутиб олди...

Ушбу фикрлардан шун англаш мум-кинки, Иброҳим Мўминов Соҳибқирон ҳақидаги рисоласини тезгина ёзиб, эълон қилишга шўшилмаган. Унинг та-рихий далиллар асосида пухта ва пишққ бўлиши учун қанча изланиш, ўқиш, ўр-ганиш керак бўлса, шунга тайёр бўлган. Акс ҳолда, рисола устида яна икки йил ўтирмаган бўларди. Демак, “марказ”да-иларнинг тирноқ ичидан кир қидиришга усталлигини яхши билган аллома Амир Темур ҳақидаги ҳар бир фикрини, ҳар бир гапини, керак бўлса, ҳар бир сўзини етти ўлчаб, бир кесган. Миллат шаъни-ни юксакларга кўтарган, Темур ҳақидаги ҳақиқатни бутун дунёга ошкор қилган бу буюк жасорат Иброҳим Мўминовнинг ни-маларга қодирлигини яна бир бор ёрқин намоён этди. Афсуски, кўп ўтмай, олим-нинг, шунингдек, Клавихо ва Маркснинг мавжуд тарихий манбаларга асосланиб айтган адолатли фикрлари Московнинг коммунистик тузум ғояларига садокатли бўлган “билимдон олимлари” ва партия арбоблари томонидан Кремнинг то-пишириги билан “тўп”га тўпилди. Баҳона: “И.Мўминов асариди Амир Темур ҳақи-даги тарихий ҳақиқат бузиб қўрсатилган, унинг шахсияти идеаллаштирилган”. Ана холос, буюк файласуф ва тарихчи алло-ма Мўминов бу масалани узоқ йиллар қанчадан-қанча ноёб манбаларни ўр-ғаниб, қисёлаб, таҳлил қилиб, Соҳибқирон ҳақидаги бор ҳақиқатни баралла айтган бир пайтда, “марказ” даҳолари бирпасда нимага асосланиб ўзбек олими фикрини пучга чиқармоқчи бўлди? Ҳеч нарсаси! Бу ғирт тўхмат эди. Унинг ортида бутунлай бошқа мақсад — зулм ва зўравонлик сиё-сатига путур етказмаслик, бунинг учун қандай бўлмасин, ёпиғлик қозонни ёпиқ қолдириш масаласи қўндалан бўлиб ту-рарди. Шунинг учун бу шармандали ишга Марказий Комитетнинг айрим “даҳолари” раҳбарлик қилиб, газета ва журналларда ўзларининг номдор олимлари номидан Мўминов асарига қарши кетма-кет мақо-лапар чоп эттирди. Камига ўзбекларнинг “лаббайчи” ва таъзим билан “хўп бўла-ди!” дейдиган “фидойи”ларини толиб, Мўминов рисоласига қарши тарғиботни янада кучайтирди. Уларнинг тутуруқиси, сафсата ва бўҳтондан иборат мақола-ларини ўзлари лозим топган нашрларда бостирди.

Аммо қаттиқ назорат ва таъқиб ҳўкм сураётган оғир шароитда мустақиллик рамзи ҳисобланган — Амир Темурни “оқлаш” ҳақида ошкора ёзиш ҳазил гап бўлмаган. Бунинг учун ватанпарвар, миллатпарвар ва жасоратли бўлиш за-рур эди. И. Мўминов худди шундай олим сифатида ўзини кўрсатди. “Унинг “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” китоби нашр этилганда, ниҳоятда эзилган ва ҳўрланган ўзбек халқида гурур ва ифтихор тўйғулари уйғониб, елкасига оғдоб ва кўкрагига шамол теккандек бўлди”, дея бонг ур-ган эди илмий тарихшунос олим, Ўзе-бекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳамид Зиёев. Худди шундай фикрлари ифода этилган мазкур мақола Шароф Рашидов тавсияси билан “История СССР” журнаliga тақдим этилишига қарамай, муавлиф оилар ўтиб, журнал-дан рад жавобини олди. Бу ягона мисол эмас, албатта. Хўш, қизил империя пой-тахтининг Амир Темур кимлигини бил-маган, балки билиб туриб тан олишни истамаган маддоҳлари ва уларнинг юр-тимиздаги малайларни қомусий олим, Ўзе-бекистон Фанлар академиясининг ака-демии, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний но-мидаги Давлат мукофоти совриндори, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби, меҳрибон устоз, миллий қадриятлари-мизнинг толмас тарғиботчиси Иброҳим Мўминовнинг Соҳибқирон бобомиз ҳа-қидаги китобиға “уруш” эълон қилиб, ўз-ларининг зулм ва зўравонлик сиёсатиға йўғрилган чиркин ва бадбўй тузумлари-ни сақлаб қололдиларми?! Йўқ! У чок-чокидан сўқилиб, титилиб кетди.

Гегель ва Бедил фалсафий тафакку-рининг шоири Иброҳим Мўминовнинг ҳа-қиқатлари эса Ўзбекистон мустақиллиги шарофати билан аҳли олам узра кенг ёйилиб, меҳр-муҳаббат ила ўрганилмоқ-да ва янги-янги асарларнинг дунёға ке-лишида илҳомбахш қанот бўлмоқда.





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШ

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЁШЛАРГА
ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИ

Мамлакатимиз раҳбари 2019 йил январь ойида Германияга таширифи чоғида мазкур давлатда ишлайётган ватандошларимизга Ўзбекистонга бормай туриб ҳам билим ва тажрибалари билан юртимиз ривожига ҳисса қўишлари мумкинлигини айтганида, улар бу гаплардан руҳлангани, юрт равнақиға ҳисса қўшаётганидан бахтиёр эканини билдирган эди.

Самарқандлик ватандошимиз Зарина ТИЛЛАЕВА ҳам Германияда дарс бериш мобайнида айни давлат таълим тизимини чуқур ўрганиб, энг илғор усулларни юртимиз мактабларида қўллашни мақсад қилганлардан бири. Унинг ҳикоясига қулоқ тутамиз.

Бир йиллик дастур
сабаб...

Айни пайтда Германияда оилам билан яшашимга Самарқанд шаҳридаги немис тилига ихтисослашган 51-мактабда ўқиганим туртки бўлди. Бу мактаб Германиянинг ЗФА (Чет элдаги мактаблар марказий бирлашмаси) ташкилоти билан 2000 йилдан буён ҳамкорлик қилади. Доимо германиялик ўқитувчилар дарс берган, тўғрақлар ўтган. Ёш волонтер йилгит-қизлар ҳам келиб ишлардики, бу билан тилга бўлган қизиқишим янада ошди. Мактабни битиргач, Самарқанд давлат чет тиллар институтида ўқиб, ўз мактабимга ўқитувчи сифатида қайтиб келдим. Негаки, мактабда ўқитувчилар учун катта имкониятлар бор. Ҳафталик, ойлик, бир йиллик дастурлар доирасида Германияга малака ошириш учун юборилади. Ўқувчиларимиз ҳам қисқа дастурлар доирасида ўқиб, мактабни тамомлагач, С1 даражали сертификат олса, Германия олигоҳларига талабаликка қабул қилинади. Ўзим ҳам бу давлатта илк бор семинар иштирокчиси сифатида келганман. Кейин 1 йиллик дастур танловига ҳужжат топширдим. Омадим келиб, грант ютиб олдим. Оилавий кучиб келдик. Бир йил мобайнида Gymnasium Bad Iburg (Бад Ибург гимназияси)да дарс бердим. Немис болалари билан ҳам ишладим, асосан уруш сабаб Украинадан кучиб келган аҳолининг болаларига дарс бердим. Олий таълимни Германияда ўқимаганим боис, дастур доирасидан чиққан ҳолда давомли ишлашни мумкин эмасди. Бу ерда ўқитувчи бўлиб ишлаш учун Lehramt (ўқитувчиларни тайёрлайдиган университетлардаги алоҳида йўналиш)ни тамомлаш керак.

Айни пайтда немис тилидаги билимларимни янада кучайтириб, ўқитувчиликни давом эттириш ва шу орқали Германия таълим соҳасини чуқурроқ ўрганиш мақсадида ўқишда давом этилган. Гимназия раҳбариятининг ўзи ҳам шу ерда ишлайверишимни сўради. Чунки улар немис бўлмаган болаларни ўқитишда қийналади, тўғрироғи, бу борада мутахассислар жуда кам. Менинг йўналишим эса немис тилини чет тил сифатида ўқитиш. Шу маънода, мен каби мутахассисларга эҳтиёж бор.

Германияда бошлангич мактаб алоҳида, юқори мактаб ҳам гимназия, реал мактаб, умумий мактаб каби турларга ажратилган. Шунга қўра, университет факультетлари ҳам фарқланади. Масалан, реал мактаб йўналишини битирган ўқитувчи гимназияда ишлай олмайди. 3 йил бакалаврият босқичидан сўнг 2 йил магистратурада ўқиш шарт. Кейин референдиариат босқичида талаба 1,5 йил ичида бирор мактабга бириктирилади ва амалиёт тариқасида дарс ўтиб юради. Дарс-

рини университетдаги ўқитувчилари кузатиб бориб, ўқитувчиликка тайёрлигини тасдиқласагина талаба ишга қабул қилинади, шунда ҳам бир йил синов муддати билан. Германия мактабларида ишлаш осон эмас. Ушбу давлат таълим тизимидан ўзлаштирадиган жиҳатларимиз кўп.

45 дақиқалик дарсдан
сўнг ҳеч ким чиқиб
кетмайди

Германиялик болалар фақат бир сменда ўқийди. Соат 8:00 дан 13:00 гача.



Дарсдан сўнг тўғраги бор ўқитувчилар, ўқувчилардан ташқари ҳамма уйига кетиши мумкин. Бу ерда интизом, тартиб жуда қатъий, бирор-бир иш фавуқлодда бўлмайди. Ҳаммаси олдиндан белгиланади. Энг тезкор эълон ҳам бир кун олдин айтилади. Интернет тармоғига уланмаган мактаб йўқ. Мен ишлайдиган гимназияда нафақат информатика, балки ҳар қайси фан ўқитувчиси кириб дарс ўтиши учун компьютерхоналар мавжуд. Фақат ўқитувчи шу хонада дарс ўтмоқчи эканини олдиндан режалаштириб қўйиши керак.

8-синфдан бошлаб ўқувчилар планшетлар билан таъминланиб, улар синфхоналарга ўрнатилган экранларга уланади. Экранда бемалол электрон тарзда машқ бажариш, доскада ёзгандек ёзиш мумкин.

Дарс жадвалларидаги тартиб ҳам биздагидан бошқачароқ. Биринчи ва иккинчи дарс оралиғида танаффус йўқ. Кўпинча битта фан икки соат —

кетма-кет қўйилади. Бошқа-бошқа фан қўйилган тақдирда ҳам 45 дақиқадан сўнг фан ўқитувчилари алмашади. Ҳеч ким синфдан чиқиб кетмайди, шовқин бўлмайди. Бир ярим соатлик дарсдан сўнг ярим соатлик танаффус берилади. Бу ўқитувчи учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам қулай. Ярим соат ичида тоза ҳавода юриш, енгил тамадди қилиб олиш мумкин. Учинчи ва тўртинчи дарслардан сўнг яна ярим соатлик танаффус қилиниб, 5-6-дарслар билан мактаб кўни якунланади.

Дарвоқе, ота-оналарга мактаб ичида бемалол юришга рухсат берилмайди. Улар фарзандининг ўқитувчиси билан гаплашмоқчи бўлса, учрашув кўни ва соатини олдиндан келишиб олишлари керак.

Ўқитувчилар мажлислари ҳам кўп бўлмайди, бир йилда 3-4 бор ўтказилади. Мактабда 100 дан зиёд ўқитувчи ишласа-да, ҳар бири ўз столи, шкафи, компьютери, принтерига эга. Устозлар учун алоҳида овқатланиш хонаси, ўқувчиларнинг ўз ошоналари бор. Танаффусда ўқитувчилар синфхоналарини қўлфлаб, дарс бошланишидан олдин очиб қўяди.

Таътил пайти оилалар албатта саёҳатга чиқади. Ота-оналар ҳам иш жойидан бир йил олдин таътилга рухсат олади. Турли давлатларга дам олиш жойларига борилади. Умуман, немис мактабларидаги тартиб-қоидалардан ўрناк олса арзийди.

Ўзбек халқ эртагини
немис тилида
саҳналаштирдик

Украинадан Германияга, Бад Ибург шаҳрига ҳам қўллаб аҳоли кучиб келди, гимназияда бола кўпайди. Немис тилини умуман билмайдиган бу болалардан менга алоҳида гуруҳ қилиб беришди. Тўғри, немис тили ўқитувчилари бор, лекин уларда немис тилини чет тил сифатида ўтиш салоҳияти йўқ эди.



Болалар мени ўйлаганимчалик қийнамади. Баъзилари қизиқиши кучлилиги сабаб немис тилини тез ўрганди. Ота-оналари мактабга келганида ўқитувчиларнинг гапларини улар таржима қилиб беради. Бир йил ичида А1, А2 даражани олишга эришишди.

Немис болалари эртақларни саҳналаштиришга қизикар экан. Ўзимизни «Зумрад ва Қиммат» эртақларини саҳналаштирдик. Немис халқ эртақлари билан қиёсладик. Бу икки халқ маданияти уйғунлиғида нафақат тилга, балки адабиёт ва санъатга ҳам

Германияга келишимдан олдин магистратурада шартнома асосида ўқигандим. Олий таълимнинг бу босқичи хотин-қизлар учун энди бепул бўлганини эшитиб, магистратурада таҳсил олаётган дўғоналаримга ҳавас қилдим.

Умуман, бугун Ўзбекистонлик ёшларнинг унб-усиб, жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча имкониятлар мавжуд. Бунинг эса қадрига етиш керак.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Муножат МҰМИНОВА ёзиб олди.

меҳр уйғотиш учун йўлга қўйилди. Насиб қилса, ҳали қўллаб миллий эртақларимизни немис тилида саҳналаштирамиз.

Ўзбек тилини унутиб
қўйишларидан қўрқаман

Ўқитувчилар оиласида тарбия топганим сабаб, биздаги тарбиянинг ўрни бошқача эканини бу ерга келганимдаёқ тушуниб етганман. Тўғриси, бу борадаги фарқ катта.


Икки йилда болаларимиз бемалол немис тилини ўзлаштириб олди. Боғчада, мактабда, кўчада немис тилида мулоқот қилинади. Агар уйда ҳам шу тилда гапирсак, ўзбек тилини тамома унутиб қўйишларидан қўрқаман. Шундоқ ҳам баъзида айрим сўзларни унутиб қўйишди. Бундай вазиятда ўша сўзнинг ўзбекча таржимасини тушунтирмаман. Интернет орқали ўзбек халқ эртақлари, мультфильмларини топиб, қўйиб бераман. Ўзим ҳам ўзбек телеканалларини томоша қилгим келади.

Миллий либосларимиз, таомларимизга келадиган бўлсак, Германиянинг овқатларига ҳали кўникиб кетганимизча йўқ. Деярли ўзимизнинг миллий таомларимизни истезмоқ қиламиз. Айниқса, қўқ сомса, манти тайёрла-сам, палов дамласам, уйдагилар хурсанд бўлиб кетади. Таътил пайти Ўзбекистонга борганимизда ҳам миллий таомларимизни соғинганимизни ҳис қилдик. Миллий кийимлардан олиб келдик. Мустақиллик, Наврўз байрамларини онлайн бўлса-да, оилавий томоша қиламиз. Бу ҳам миллийликка муҳаббатдан бўлса керак. Тўғри, немис маданиятида ҳам ўрناк олса арзийди жиҳатлар бор. Айниқса, бу халқнинг ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиши, ҳар қандай вазиятда қўмакка муҳтож инсонга ёрдамга шо-иши, фойдали маслаҳатлар бериш каби ҳислатлари бизда ҳам мужассам бўлса эди...

Ўзбекистонда хотин-
қизларга қаратилаётган
эътиборга ҳавас қиламан

Сўнгги йилларда Ўзбекистондаги ўзгаришларни кўриб қувондики одам. Чет эл газеталари ҳам мамлакатимизда кескин ўсиш бўлаётгани ҳақида ёзаяпти. Айниқса, таълим тизимида хотин-қизларга бўлаётган эътибор мени жуда хурсанд қилди. Уларни магистратурада бепул ўқитиш, олий маълумотли қилиш энг эзгу иш, катта янгиллик. Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида янги қонунлар қабул қилинапти. Мактабгача таълим, мактаб, олий таълим соҳасида ҳам улкан имкониятлар берилапти. Молиявий қўллашларнинг самараси ҳар жаҳода кўриняпти. Мактабларнинг моддий-техник базасига жиҳдий эътибор қаратилляпти. Германиядаги энг сифатли дарсликлар чиқарадиган “Klett” наشريёти билан Ўзбекистоннинг шартнома имзолагани биз, немис тили ўқитувчиларини бағоят хурсанд қилди. Зеро, энди Германиядан энг замонавий дарсликлар етказиб бериляпти. Ўқиш китоби, машқ дафтери, ўқитувчи учун қўлланма, дисклар, электрон вариантлари бор бу дарсликларни Самарқанддаги ҳамкасбларим бир неча йилдан буён орзу қиларди.

Ўқитувчиларга ажратилаётган кредитлар, С1 сертификатига эга педагогларга берилаётган устамалар ҳақиқатда соҳа вакилларига юксак эътибор ифодаси. Олий таълимда ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланяптики, ўқитга кириш масаласи аввалгидек фақат инсон омилига боғлиқ эмас. Коррупцияга қарши кураш қўчайгани бу борада яққол сезилляпти.

ОЛИСДАГИ ЯҚИНЛАР
ДАВЛАТ
ЭЪТИБОРИДАОдилжон САТТОРОВ,
“Ватандошлар” жамоат фонди
бошқаруви раиси

Тақдирнинг инсонга берган ризқи қай маконда эканини ҳеч ким олдиндан белгилай олмайди. Кимдир Ватанда, яна кимдир олисда ҳаёт кечиради. Кўп миллатли ватандошларимизнинг бир қисми ҳам дунёнинг турли мамлакатларида палак ёзмоқда.

Бу инсонлар юртинг оҳнарабодек ўзига ром эътовчи тафти, ҳавоси, кишиларининг нурли юзи, тўй ва ҳашамлари, миллий байрамларини кўмсабини Ватандан олисда яшаётганлар янада яхшироқ англайди. Шу боис, сўнгги йилларда хорижий мамлакатларда яшаётган ватандошларни ота юрт атрофида жиҳсплаштириш, қалби ва онгида юрт билан фахрланиш туйғусини юксалтириш, миллий ўзлиқни сақлаб қолиш мақсадида тарихий ва хайрли ташаббусга қўл урилади.

Ўзбекистон Президенти қарори билан 2021 йил 11 августда “Ватандошлар” жамоат фонди ташкил этилди. Бу қарор олис манзиллардаги ватандошлар учун чинакам тарихий ва унутилмас воқеа бўлди.

Фонднинг асосий вазифаларига ватандошлар билан доимий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, улар ташаббусларини юртимиз тараққиётига самарали йўналтириш, ўзбек тили, бой қадриятларимиз, анъаналаримизни сақлаш ва кейинги авлодларга етказиш қабилар қиради.

Фонд ташкил топган кунидан ватандошлар билан дўстона мулоқот майдонини яратя бошлади. Утган икки йил мобайнида ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмалари билан минглаб мулоқотлар ўтказилди. 70 дан ортққ жамоат бирлашмаси билан англашув меморандумлари имзоланди, истиқболли йўл хариталари тузилди.

Дунёнинг турли нуқталарида миллий байрамлар — Наврўз, Мустақиллик байрами тантаналари, Ўзбекистон маданияти кўнлари, футбол мусобақалари, палов фестиваллари, адабиёт кечалари ўтказилди. Уларда юз минглаб ватандошлар иштирок эди. Байрамлар доирасидаги мулоқотларда юртодошларнинг ҳаяжонли фикрлари, Ватанга йўллаётган саломо иминнатдорлик қайфиятини кўриш мумкин.

Т.Нисёзова,
Сўғд вилояти Шукур Бурҳонов номидаги ўзбек мусулқий драма театри актрёри.

— Олдинлари ойнаи ҳаёон орқали Ўзбекистонда ўтказиладиган турли байрамларни ҳавас билан томоша қилар эдим. Қани энди чегаралар очилса-ю, ота юртга тез-тез борсам, деган орзу мени тинч қўймасди. Бугун худди шу байрам шукўҳини Ҳўжандага ватандошлар олиб келди. Ўзбекистоннинг хориждаги ватандошларга бўлган эътибори мени янада фахрлантирди. Мен хорижда туриб ҳам Ўзбекистоннинг эзгу ташаббусларини ҳаммаша қўллаб-қувватлашга тайёрман.

К.Маҳмудова

(Лондон шаҳри):

— Tower Bridge хийбонида ўтказилган Ўзбекистон маданияти кўнлари тадбирларида иштирок этдим. Лондонда деярли 28 йилдан буён яшайман. Бу ҳаётимдаги ватандошлар бир жойга тўпланган энг биринчи ва энг катта тадбир бўлди. Биз жуда ҳам хурсандимиз. Ишонасими, ватандошларимиз туни билан ухламай, ижтимоий тармоқлардаги гуруҳларимизда таассуротларини ёзиб чиқди. Маданиятимиз, қадриятларимиз, миллий ҳўнармандлик намуналаримиз дунё саҳналарига олиб чиқилаётгани биз учун шараф!

С.Пардаев,

Google компанияси дастурчиси (АҚШ):

— Мустақиллик кўнига бағишланган шодоналарда иштирок этганимдан бахтиёрман. Бугун мен келажагим учун аниқ мақсадини белгилаб олдим. Яъни юртимга қайтаман, юртимга керакман, йўналишим бўйича ўз мамлакатимда янги гоёларни татбиқ этишим зарур! Машҳур компания ходими бўлсам ҳам бугунги тадбир юртимга қанчалар интиқ эканимни англапти. Хориж-қамасибларимни ҳам байрамга олиб келдим. Улар юртимизга шўначалик қизиқиб қолиб, Ўзбекистонга бориш истagini билдирди. Ахир бундай ўзига хос қадриятлари бор юртни севмай бўладими?

Жорий йил сентябрь ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга таширифи давомида бир гуруҳ ватандошлар билан самимий мулоқот бўлиб ўтди. Унда АҚШдаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар билан бир қаторда нуфузли ташкилотларда фаолият юритаётган ватандошлар ҳам қатнашди. Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида сўзлаб берди, мамлакатимиз модернизациясига қўмаклашишда ватандошларимизда улкан салоҳият борлиғига эътибор қаратди. Ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, уларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди.

“Биз таълим, тиббиёт, иқтисодиётда олиб бораётган янгиланишлар натижасини ҳар бир юртодошимиз ўз ҳаётида ҳис қилиши керак. Сизлардек хорижда ўқиган, йирик компанияларда ишлаб, тажриба орттирган юқори малакали мутахассислар ҳам юртимизга қайтиб келиши ва бутун салоҳияти билан янги Ўзбекистонни барпо этишда иштирок эта олишлари учун барча шароитни яратишимиз керак. Бугун шу ердаи ҳар бир ўзбекистонликда кучли Ватан ҳисси ва унинг ривожига ҳисса қўиши иштиёқини кўриб, жуда хурсанд бўлдим. Сизларни Ўзбекистонда кутиб қоламиз”, деди Президентимиз.

Учрашувда Бостон шаҳридаги “Dana Farber Cancer” институти лойиҳалари катта менежери Н.Қаҳҳорова ҳам қатнашди.

— Юртимдан анча узокда яшасам ҳам ватанпарварман, дея оламан. Тиббиёт соҳасида долзарб муаммо ва уларнинг ечимлари бўйича жамоам билан катта лойиҳаларни амалга оширамиз, — дейди у. — Шундай манфаатли лойиҳаларни юртимда қўллаш бугунга қадар катта ниятларимдан бири бўлган. Бугун менда мамлакат раҳбари билан суҳбатда иштирок этиш, тақлифларимни билдира олиш имкони бўлди. Рости, бу ҳаётим зарварлақларидаги тарихий воқеа.

Бугун “Ватандошлар” жамоат фонди фаолияти давомида хориждаги ватандошлар ташаббуслари, тақлифларини амалиётда қўллаш, фаол юртодошларимиз сафини янада кенгайтириш, мушуклини осон қилиш, истиқболли режалар устида тинимсиз ишлашга эътибор қаратган.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН
МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашир индекси — 236. Буюртма Г-1046.

43312 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.

Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси

босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:

100029, Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 00:35 Топширилди — 00:55